

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ТИЗИМИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тузувчилар: *доц. Х.Қурбонов,  
Ш.Ашурматова***

Тошкент – 2014

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....</b>	<b>8</b>
<b>ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....</b>	<b>9</b>
<b>МАЪРУЗА МАТНИ .....</b>	<b>28</b>
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....</b>	<b>70</b>
<b>НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>74</b>
<b>МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>75</b>
<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР .....</b>	<b>76</b>
<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>80</b>
<b>ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>87</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ .....</b>	<b>95</b>

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари**

• Тингловчиларга замонавий молия тизими ва унинг трансформаллашув жараёнлари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга қўмаклашиш;

• Молия тизими ва унинг бўғинлари, молия тизими бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

• Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ривожланган мамлакатлар молия тизимидаги ислохотлар боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

• Ўзбекистон Республикаси молия тизимидаги ислохотлар, бюджет солиқ тизими ва пул-кредит тизими борасидаги ислохотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### **Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари**

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ҳозирги глобаллашув шароитида молия тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлар в Республикамиз молия тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритб

берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумтларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

### Маъруза-тренинг машғулоти мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъ-руза	Амал-ий	Кўчма-машғу-лот	Мус-та-қил
1.	Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бошларида унинг трансформаллашув тенденциялари.	2	2	-	-
2.	Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари	4	2	2	-
<b>ЖАМИ:</b>		<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>-</b>

### Назарий машғулоти мазмуни

**1 - мавзу. Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари (2-соат).**

Режа:

1. Молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
2. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви.
3. Молиявий сиёсат ва унинг кўринишлари.

Молия тизимининг ривожланиш босқичлари. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви. Глобаллашув жараёни ва миллий молия тизими таъсири. Замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинлари.

Давлат молиясининг бўғинлари ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари молияси ва ундаги муаммолар. Давлатнинг кредит тизими ва уни бошқариш муаммолари. Давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммолари. Банклар ва банк тизими ривожланишнинг замонавий тенденциялари. Молия бозорлари ва ҳозирги глобаллашув шароитида унинг ривожланиш тенденциялари.

**2- мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари (2-соат маъруза).**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси молия тизими.
2. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.
3. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг шаклланиши. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичида молия тизимидаги ислохотлар. Ислохотларнинг кейинги босқичларида молия тизимидаги ислохотлар. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари. Миллий суғурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Давлат молиясини ислох қилиш ва унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини шаклланиши. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Солиқ тизимининг ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асослари.

### **Амалий машғулотлар мазмуни**

**1 – амалий машғулот. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари (2-соат).**

Режа

1. Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг шаклланиши.
2. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.
3. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. – Т.: 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". – Т.: 1997.
4. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади// Халқ сўзи газетаси-Тошкент, 2014 йил, 18 январь.
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
6. Ислом Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январ, 16-сон
8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш- тараққиётимизнинг муҳим омилидир. –Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабр.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.-70 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2012. –233 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз

фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузани ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.-Т.: Иқтисодиёт, 2011.- 500 б.

13. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. –Т.: Ношир, 2012.- 712 б.;

14. Курбанов Х.А.Корпоративные финансы. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007.

15. Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. -566 бет.

## ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бошларида унинг трансформаллашув тенденциялари	Маъруза	2	Ойнинг иккинчи хафтаси
2.	Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари	Маъруза	2	Ойнинг учинчи хафтаси
3.	Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари	Амалий	2	Ойнинг иккинчи хафтаси



## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Маъруза машғулотини ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услугий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали бериледи. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.
9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб бериледи. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

<b>1-мавзу</b>	<b>Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бошларида унинг трансформаллашув тенденциялари</b>
----------------	--

(Маъруза – 2 соат)

### 1.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Маишулот тури</i>	Ахборот визуал маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.</li> <li>2. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизиминининг трансформаллашуви.</li> <li>3. Молиявий сиёсат ва унинг қўринишлари.</li> </ol>
<p><b>Ўқув маишулотининг мақсади:</b> Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари ҳақида тушунча беришдан иборат.</p>	
<p style="text-align: center;"><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва роли билан таништириш;</li> <li>• ўқув предмети таркибини шарҳлаш ва тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхатини бериш;</li> <li>• молия тизимининг ривожланиш босқичларини илмий асосларини очиб бериш;</li> <li>• XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизиминининг трансформаллашувини ёритиб бериш;</li> <li>• замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинларини тавсифлаш;</li> <li>• давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммоларини айтиб бериш.</li> <li>• молия бозорлари ва ҳозирги глобаллашув шароитида унинг ривожланиш тенденцияларини тушунтириш;</li> <li>• халқаро молиявий институтлар ва уларни жаҳон иқтисодиётидаги ўрни</li> </ul>	<p style="text-align: center;"><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва ролини ифодалайди;</li> <li>• ўқув предмети фаннинг тузилмасини ва таркибини шарҳлайди, адабиётлар рўйхати билан танишади;</li> <li>• молия тизимининг ривожланиш босқичларини илмий асосларини очиб беради;</li> <li>• XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизиминининг трансформаллашувини ифодалайди;</li> <li>• замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинларини тавсифлайди;</li> <li>• давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммоларини санаб беради;</li> <li>• молия бозорлари ва ҳозирги глобаллашув шароитида унинг ривожланиш тенденцияларини тушунтиради;</li> <li>• халқаро молиявий институтлар ва уларни жаҳон иқтисодиётидаги ўрни баён қилади.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза матни, ақлий хужум, суҳбат, Б/Б/Б техникаси, ФСМУ технологияси
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоа бўлиб
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.

**Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун такдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (15 дақиқа)</b>	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади. Фан бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)</b>	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди..</p> <p>3.3. Молия тизимининг ривожланиш босқичлари бўйича тингловчилар билан суҳбат уюштиради.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>3.5. Тингловчиларга Б/Б/Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади (3-илова).</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиладилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Жадвални тўлдирадилар.</p>
<b>4 босқич. Яқун ясаш (10 дақиқа)</b>	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

## Ақлий ҳужум усули

**Ақлий ҳужум** (брейнсторминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари


1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

### Саволлар:

1. Мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш заруратига сабаб нимада?
2. Янги ҳаётни эскича қараш ва онг-тафаккур билан қуриб бўлмаслиги.
3. Жамият тараққиётидаги туб ўзгаришлар.

## Визуал материаллар





**МОЛИЯ ТИЗИМИ**

**Ж.Ван Хорн** Молия тизими - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси.


**З.Боди, Р. Мертон:** Молия тизими – бу молиявий шартномалар, активлар ва рисклар алмашиш жараёнида иштирок этувчи бозорлар ва бошқа институтлар мажмуасидир.


Л.Дробозина : «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат.

Г.Поляк: молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуллар ва шаклларда тақсимлаш жараёнидаги турли молиявий муносабатлар мажмуаси.

Т.С. Маликов: ...турли пул фондларидан шакланнадиган ва фойдаланиладиган молиявий муносабатларнинг турли соҳалари мажмуига молия тизими дейилади.







3-илова

**Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

**Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)**

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Молиянинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва унинг илмий асослари			
2.	Молия ҳақидаги фаннинг ривожланиш тараққиёти			
3.	Молия тизими ва у ҳақидаги қарашлар			
4.	Молия тизимининг бўғинлари			
5.	XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизиминининг трансформаллашуви			
6.	Давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммолари			



<b>2-мавзу</b>	<b>Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари</b>
----------------	--

(маъруза – 2 соат)

### 2.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-20 та
<i>Маишгулот тури</i>	Визуал, ахборот маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикаси молия тизими.</li> <li>2. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.</li> <li>3. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.</li> </ol>
<i>Ўқув маишгулотининг мақсади:</i> Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида тушунча беришдан иборат.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси молия тизимини тавсифлайди;</li> <li>• мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотларни тушунтиради.</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларини ёритиб беради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси молия тизимини тавсифлайди;</li> <li>• мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотларни тушунтиради.</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларини ёритиб беради.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза матни, блиц сўров, инсерт усули, Синквейн” (5 қатор) техникаси
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоа бўлиб
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Маъруза машғулотининг технологик харитаси



Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (10 дақиқа.)</b>	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.2. Тингловчилар билан асосий тушунчалар бўйича блиц-сўров ўтказди. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа)</b>	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Мавзу бўйича маъруза, тарқатма материаллар тарқатилади, у асосида Инсерт жадвалини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф қилади (3-илова).</p> <p>3.4. Ўзбекистонда давлат молияси ва ундаги ислохотлар бўйича тингловчилар билан савол-жавоб шаклида суҳбат уюштиради.</p> <p>3.5. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Жадвални тўлдирдилар..</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Тинглайдилар ва ёзадилар.</p>
<b>4 босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)</b>	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради: давлат молияси, давлат бюджети, давлат мақсали жамғармаларига “Синквейн” мисоли ёрдамида таъриф беришни топширади (4-илова).</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

### Блиц-сўров ўтказиш учун асосий тушунчалар

1. Давлат молияси.
2. Бюджет тизими.
3. Давлат бюджети даромадлари.
4. Солиқлар.
5. Солиқ юки.
6. Мақсадли жамғармалар.

### Визуал материаллар





### БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

#### 1 босқич – 1991-2000 йиллар

##### Мустақил бюджет тизимини шакллантириш – “ўтиш даври”:

- бюджет даромадлари ва харажатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;
- бюджет дефицитни камайтириш;
- кучли ижтимоий сиёсат – Давлат бюджетининг муҳим йўналиши сифатида;
- бюджетларо муносабатларни шакллантириш;
- бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш;
- бюджет таснифларини ҳалқаро стандартларга мақбуллаштириш ўз ичига олди.
- Миллий солиқ тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- Солиқ тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлатириш тизимини шакллантириш;

#### 2-босқич. 2001- ҳозиргача

##### Иқтисодиётни эркинлаштириш шарт шароитларига мувофиқ Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш

- “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунни амалга киритилиши;
- Бюджет таснифи ва бюджетдан молиялаштириш тизимини соддалаштириш;
- Давлат бюджети харажатларини манзили ва мақсадли йўналишини таъминлаш;
- Бюджет харажатларини таркибий ислоҳ қилиш;
- Ҳудудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини барқарорлаштириш;
- Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш;
- Давлат бюджетини ижросини Ғазна тизими жорий қилиш ва уни ривожлантириш;
- Бюджет муассасаларини молиялаштиришни ислоҳ қилиш;
- Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулиятини ошириш билан уларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;
- Солиқ юкни камайтириш;
- Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- Солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- Солиқ тизимини соддалаштириш.

### ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

- бюджет дефицитини самарали бошқариш
- Ҳазначилик тизимини босқичма босқич ривожлантириш;
- бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;
- ўрта мудатли фискал сиёсат амалиётини жорий қилиш;
- натижага йўналтирилган бюджет моделини жорий этиш;
- дотацион режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;

#### Давлат бюджетининг даромадлари

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100

**Давлат бюджети харажатлари, млрд. сўм**

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил	
	Млрд. сўм	%да	Млрд. сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	16991	100	21571	100
Иқтисодий соҳа ва аҳолий иқтисодий қўллаб-қуватлаш харажатлари	10112	59,5	12513	58
Иқтисодийга харажатлар	1952	11,5	2372	11,0
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	950	5,7	1059	4,9
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш Фондига ажратмалар			264	1,2
Давлат хўжаси ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	472	2,7	629	2,9
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	152	0,9	191	0,9
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	57	0,3	70	0,3
Бошқа харажатлар	3290	19,3	4471	20,7
Давлат бюджетининг режалаштирилган тақчиллиги	-812		957	
ЯИМга нисбатан, %	-1,0%		1%	

3-илова.

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### Матрни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизими				
Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими				

Давлат бюджети даромадлари				
Давлат бюджети харажатлари				
Бюджет тизимидаги ислохотлар				
Замонавий шароитларда молия тизимидаги ислохотлар				
Бюджет-солиқ сиёсати				

*3-илова.*

**“Синквейн” (5 қатор) техникаси**

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1-қатор – тушунча;

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;

5-қатор – ушбу тушунча синоними.



2.2. Амалий машғулот таълим технологияси модели

Вақти-2 соат	Тингловчилар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулотивининг шакли	Семинар-мунозара
Ўқув машғулотивининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Молиявий бозорларни тартибга солиш усуллари ва уни такомиллашуви.</li> <li>2. Европа молиявий-иқтисодий инкирози: келиб чиқиш сабаблари ва ислохотлар</li> <li>3. Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги ислохотлар.</li> </ol>
<p><b>Ўқув машғулотивининг мақсади:</b> Жаҳон молиявий- иқтисодий инкирози шароитида молия тизимини ислоҳ қилиш ва янги молиявий архитектуранинг шаклланиши борасида Тингловчилар билимини кенгайтириш.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;</li> <li>- билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;</li> <li>- ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш;</li> <li>- коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p>Тингловчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- молиявий бозорларни тартибга солиш усуллари ва уни такомиллашувини тушуниб етади;</li> <li>- Европа молиявий-иқтисодий инкирози: келиб чиқиш сабаблари ва ислохотларни изоҳлайди;</li> <li>- ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги ислохотларни баён этади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Ҳамкорликда ўқитиш, мунозара, тақдимот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, инсерт
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланмалар, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари.
Ўқитиш шакллари	Индивидуал, фронтал, гуруҳлар / жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> (10 дақиқа)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Мавзунини мунозара тарзида ўтишини маълум қилади.	1.1. Дикқат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар
<b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> (45 дақиқа)	2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказилади. Рақобат унинг моҳияти ва мақсадини ифодалаб беришни топширади. 2.2. Иш гуруҳларда /жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради (илова 1). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар.
<b>3-босқич.</b> <b>Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш</b> (20 дақиқа)	3.1. Тингловчиларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди (илова 2). Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 3.2. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	3.1. Ўқув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар; 3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.
4-босқич. <b>Яқуний</b> (5 мин.)	4.1. Ишга яқун ясайди, баҳолар қўяди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради	4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.

1- илова.

**Гуруҳ билан ишлаш қоидалари**

Хар бир гуруҳ аъзоси:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамыз, бирга чўкамыз ёки бирга кутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.

<b>Гуруҳлар учун вазифалар</b>	
<b>1. Гуруҳ.</b>	1. Молиявий бозорлар ва уларинг тараққиётини изоҳланг.
<b>2. Гуруҳ.</b>	1. Европа молиявий-иқтисодий инқирози: келиб чиқиш сабаблари ва ислоҳотларни изоҳланг.
<b>3. Гуруҳ.</b>	1. Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги ислоҳотлар изоҳланг.

**Баҳолаш кўрсаткичлари (баллда)**

Гуруҳ	Мавзунинг ечими	Тушунтириш (аниқлик, мантиқ)	Гуруҳ фаоллиги (қўшимчалар, саволлар)	Жами баллар	Баҳо
	(1,2)	(1,2)	(0,6)	(3,0)	
1.					
2.					
3.					
4.					

**“Инсерт усули”**

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан Тингловчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

**Матнни белгилаш тизими**

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

**Инсерт жадвали**

Тушунчалар	V	+	-	?
Инқироз				
Молиявий муассасалар				
Давлат қарзи				
Бюджет тақчилиги				
Инфляция				
Рецессия				
Солиқ тизимини ислоҳ қилиш				

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1 - мавзу. Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари

#### Режа

1. Молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
2. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизиминининг трансформаллашуви.
5. Молиявий сиёсат ва унинг кўринишлари.

#### 1. Молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.

Молия тарихий категория сифатида жамиятни синфларга бўлиниши ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди. Давлатлар жамиятнинг сиёсий институти сифатида йирик миқдордаги доимий шаклланадиган молиявий ресурсларга эҳтиёжининг пайдо бўлиши молиявий муносабатларнинг дастлабки примитив шакллари объектив равишда юзага келтирди.

Молиянинг шаклланишини дастлабки босқичларидаги молиявий муносабатлар турли натурал кўринишдаги тўловлар ва пул кўринишдаги солиқлар шаклида давлат даромадларини шакллантиришни таъминлашга йўналтирилди. Мазкур молиявий муносабатлар тизими қадимги грек мутафаккирлари Ксенофонтнинг (430-355 э.а. йиллар) “Афина республикасининг даромадлари” номли китобида ва Аристотелнинг (382-322 э.а. йиллар) “Афина давлати тузилиши” номли китобида кўриб ўтилган. Ҳинд мутафаккирларидан Вашнагуптанинг (321-297 э.а. йиллар) “Сиёсат ҳақидаги фан” номли китобида ҳам молиявий муносабатларга тўхталиб ўтилган.

Товар пул муносабатларининг ривожланиши ва давлатларнинг пайдо бўлиши такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иқтисодий бойликни, уни яратишда қатнашувчи субъектлар билан давлат ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича аниқ тизимлаштирилган ўзаро муносабатларни юзага келтирди. Хусусан, бу муносабатлар «Молия» тушунчаси билан аниқлаштирилди.

«Молия» терминининг этимологияси жуда чуқур тарихий илдизга эгадир. Аксарият тадқиқотчилар “Маълум даражада шартлашилган пулни тўлаш”-деган маънони англатувчи “Finis” лотин феъли терминидан келиб чиққанлигини эътироф этишади. Мазкур феълнинг хосиласи сифатида XIII—XIV асрларда Италия тилида “finanzia” термини пайдо бўлди ва мазкур

терминнинг сўзма сўз таржимаси “пул тўлови” деган маънони англатар эди. Шундай тор доирадаги талқинга эга бўлган термин кишилиқ жамиятнинг тараққиёти мобайнидаги хўжалиқ муносабатларининг ривожланиши билан аҳоли ва давлат ўртасидаги пул муносабатлари тизими тушунчаси сифатида кенг ифодалана бошлади. Нисбатан кенгроқ иқтисодий тушунча сифатида “молия” терминини Француз иқтисодчиси Ж.Боден ўзининг машхур “Республика хақидаги олти китоб”(1577 й.) номли китобида илмий муомалага киритди. Мазкур китобда молия терминининг илмий талқин этилиши натижасида дастлабки молия назарияси ёки молия хақидаги фанга асос солинди.

Молия – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир

Молиянинг иқтисодий моҳияти масаласи мазкур категориянинг ички мазмунини аниқловчи 2 назария амал қилади:

1. Тақсимлаш назарияси тарафдорлари.
2. Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорлари.

Тақсимлаш назарияси тарафдорлари тасдиқлайдики, молия ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг 2 босқичида пайдо бўлади яъни ялпи ички маҳсулот қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келади.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорлари эса молия такрор ишлаб чиқариш категорияси сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида намоён бўлади деб таъкидлайдилар.

Молия иқтисодий категория сифатида иккита функцияни баражади. Молиянинг тақсимлаш функцияси орқали ЯИМ ва миллий даромад бирламчи ва қайта тақсимланади ва турли ҳил пул фондлари ҳосил қилинади. Ушбу пул фондларини умумлаштирган ҳолда марказлаштириган ва марказлаштирилмаган пул фондларига ажратиш мумкин.

Молиянинг назорат функцияси- бу объектив равишда амал қилувчи пул муносабатлари жараёнларини назорат қилишда ўзининг ифодасини топади.

**Молиявий назорат**- молияни бошқариш тизимининг элементи сифатида маълум соҳалар бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилган, давлат ва бошқа мустақил жамоат ташкилотлари томонидан барча иқтисодий субъектларнинг молиявий фаолияти устидан молиявий-хўжалиқ қонунчилигига риоя қилишлари, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги,

молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини текшириш ва кузатиш бўйича қиймат назоратининг алоҳида туридир

Молия тизими сифатида «молиявий муносабатларнинг ташкил қилиш шакли» ёки «молиявий муносабатларнинг ташкилий тузилмалари мажмуаси» сифатида кўриб ўтиш мумкин. Масалан, Таниқли америкалик мутахассис Ж.Ван Хорн молия тизимига - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси – деган таърифни беради. Л.Дробозинанинг фикрича «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат»-деган таърифни беради. Г.Полякнинг фикрича молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуллари ва шаклларда тақсимлаш жараёнидаги турли молиявий муносабатлар мажмуасидеб талқин қилинади. Таниқли иқтисодчи В.Ковалева эса молия тизимига ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг субъектлари ўртасида жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича пул муносабатларни ташкил қилиш шакли сифатида қараш лозимлигини таъкидлайди.

Юқоридаги молия тизими бўйича келтирилган таърифларда мантиқий яхлитлик мавжуд бўлиб, ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимланиш жараёнида ҳосил бўладиган пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёни молия тизимининг марказий мазмунини ташкил қилиши таъкидланади.

Демак, **молия тизими** - молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, ҳар қайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади

Иқтисодий субъектларнинг даромадларини шаклланиш усуллариға боғлиқ равишда молия тизимини марказлаштирилган молия(умумдавлат молияси) ва марказлаштирилмаган молия(хўжалик субъектлари ва уй хўжаликлари молияси) каби асосий турларға ажратиш мумкин.

Молия тизими пул муносабатлари тизимини ташкил қилиш шакли сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишни таъминловчи 3 асосий ўзаро боғлиқ тизимларға бўлинади: Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг молияси, турли мулкчилик ва фаолият билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари молияси, уй хўжаликлари молияси(хонадон молияси).

Яхлит молия тизимини ташкил қилувчи мазкур тизимлар ҳам иқтисодий субъектларнинг аниқ пул маблағлари фондини ташкил қилинишига қараб ўз навбатида алоҳида бўғинларга ажратилади.

Молия ҳақидаги фаннинг ривожланиши ва тараққиётини 2 йирик босқичларга ажратишимиз мумкин. Биринчи босқич, Рим империяси давридан бошлаб 20 аср ўрталаригача бўлган давр ҳисобланиб, бу давр мобанийда молиянинг классик назарияси шакллантирилган. Молиянинг классик даври кейинчалик ўзининг ўрнини неоклассик молиявий назарияга бўшатиб берди. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти жамиятдаги хўжалик ҳаётининг тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиб боришига боғлиқ ҳолда содир бўлиб борди.

Молиянинг классик даврининг туб моҳияти, молия тизимида давлат молиясининг уциворлиги, молия тизимида давлатнинг ҳукмронлиги билан белгиланади. Неоклассик молиявий назария хусусий секторнинг молия тизимидаги устуворлигини, хусусан, йирик компаниялар ва молия бозорларининг молия тизимидаги уциворлигига асосланади.

Бир неча асрлар мобайнида шаклланган биринчи босқичнинг тараққиёти давомида классик молиявий назариянинг алоҳида шаклланиш давлар бўлиб ўтганлиги аксарият иқтисодчи олимлар томонидан талқин қилинади. Масалан, Молия фани буйича таниқли назариячилардан бири, Гейделберг Университетининг профессори К. Рау классик молиявий назария тараққиёти шаклланишининг 3 босқичи бошидан кечирганлиги ҳақида таъкидлайди. Улар: молия назариясининг ноилмий ҳолати(примитив шаклдаги)даври, молия назариясининг илмий қайта ишланиш даври, молия назариясининг илмий(мукаммаллашган) даври.

Молия назариясини шаклланишининг ноилмий даври. Тарихчи олимларнинг фикрича, мазкур даврнинг бошланиши қадимги Греция ва Рим империяси даврларига бориб тақалиши тўғрисида таъкидлайдилар. Хусусан, инсоният тарихида ибтидоий жамоа тузуми даврининг емирилиши, давлатчилик муносабатларини пайдо бўлиши молия назариясининг шаклланишини объектив асослари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аксарият адабиётларда, молиянинг тарихий категория эканлиги таъкидланади. Масалан, Л. Дробозина молия тарихий категория сифатида давлатларнинг шаклланиши ва жамиятни синфларга бўлиниши билан бир вақтда пайдо бўлганлигини таъкидлайди.

Ўша пайтларда давлат даромадлари бир қанча манбалар ҳисобига шакллантирилиб, улар асосан давлат ерлари, конлари, бозорлар ва бошқа мулкларидан фойдаланганлик учун тўлов ва бошқа манбалар ҳисобига

шакллантирилган. Давлат харажатлари ҳам асосан ҳарбий харажатлар, бошқарув харажатларига ёналтирилган. Умумий қилиб айтганда бу даврларда давлат даромадларини шакллантириш ва сарфланиш механизми примитив(содда) ҳамда кучли императив характерга эга бўлиб, хўжалик юритишнинг ўша пайтдаги шарт шароитлари(антик сивилизация) мураккаб тақсимлаш механизмига эҳтиёж сезмаган.

Ўрта асрларда ҳам молия назарияси масаласида маълум даражада тизимлаштирилган қарашлар мавжуд бўлмаган. Шунинг учун ҳам молия назариясини ривожланишининг 2 даври ўрта асрларнинг тугаланиш давридан бошланиши ҳақида таъкидланади.

Молия ҳақидаги билимларнинг тизимлаштиришда италян олимларининг ҳиссалари катта бўлган. Таниқли Петербурглик олим А. Буковецкийнинг фикрича, Италиянинг шимолий шаҳарларида 15-16 асрларда молия фанига асос солинган. Ўз даврининг таниқли олимлари: Д.Карафа, Н.Макиавелли, Ж.Ботеро ва бошқалар молия соҳасидаги билимларни тизимлаштиришга ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган.

Бу даврлар илк меркантилизм даври бўлиб, капиталларнинг дацлабки жамғарилиш даврини очиб берган. Бу даврдаги молия назариясининг асосий ғояси давлатнинг хўжалик ҳаётига фаол аралашуви билан суғорилган эди.

Италян олимларининг меҳнати, ўша пайтдаги хўжалик механизмининг назарий асослари бўйича изланишлари бошқа мамлакатлардаги олимларнинг ишларида ҳам ўзгаришлар бўлишига туртки бўлди. Молиянинг дастлабки тизамлаштирилган ҳолдаги назарияси Француз олими Ж.Боден томонидан амалга оширилган бўлиб, у ўзининг асарларида давлат даромадларининг 7 асосий манбаларини кўрсатиб берган. Инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Т.Гоббс эгри солиққа тортиш тизимини фаол ташвиқот қилди, У.Петти хўжалик ҳаётининг тараққиётини солиқлар орқали рағбатлантириш ғоясини илгари сурди, Ж.Локк ўша даврда мавжуд барча солиқларни – ер солиғи билан алмаштириш таклифини илгари сурди.

Таниқли немис олимлари Й. Юсти ва Й. Зонненфелс молия ҳақидаги фаннинг кенг жиҳатларда кўриб ўтган. Айнан Юсти биринчи бўлиб, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш учун қуйидаги аниқ қонун ва қоидаларни таклиф қилган. Й. Юсти бошқа олимлардан фарқли равишда фақатгина давлат хазинасини тулдириш муаммосини эмас балки давлат харажатларини буйича ҳам излаишлар олиб борган. Й. Юсти давлат харажатлари буйича қуйидаги қоидаларни таклиф қилган: харажатлар даромадлар ва барча мулклар билан мувофиқлаштирилиши лозим шунингдек, харажатлар давлат ва фуқаролар учун фойдали бўлиши лозим.



Кейинчалик янги илмий йўналиш сезиларли равишда интенсивлаштирилган. XIX аср охирига келиб «Молия» термини тўлиғича иқтисодий билимлар тизимида шакллантирилди ва давлат молиясини бошқаришни ўзида акс эттирувчи молиянинг классик назарияси тўлақонли шаклланди.

Шаклланган назариянинг 2 асосий хусусиятига эътиборни қаратиш лозим. Биринчидан, молия- давлатнинг ресурслари сифатида талқин этилган. Иккинчидан, молия пул маблағларидан фарқли эканлиги асосланиб, молия-давлатнинг ҳар қандай маблағлари деган хулосани илгари сурилган.

Чор Россияси даврида Молия Вазири лавозимида ишлаган Россиялик етук иқтисодчи С. Виттенинг таъкидлашича XIX аср охирига келиб «Молия» тушунчаси давлатнинг барча мулкларини ва умуман барча давлат хўжалигининг ҳолатини англаганлигини таъкидлайди. Шунингдек, давлат ихтиёридаги барча моддий ресурслар мажмуаси - унинг даромадлари, харажатлари ва қарзлари - молия тушунчасида жамланиши ҳақида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, молия ҳақидаги фан давлатнинг моддий эҳтиёжларни имконият даражасида қондириш услублари ҳақидаги фандир - деган тушунчани бериб ўтган.

## **2. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви.**

XX аср тизимлаштирилган молия фанини мустақил йўналиш сифатидаги тараққиётида бурилиш даврини бошлаб берди. Бу даврлар молия фанининг ривожланишида илмий ва рационал ривожланиш даври ҳисобланди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни 2 жахон урушидан сунг жахон иқтисодиётида узгаришлар роъй берди. Иқтисодиётдаги бозор муносабатларининг ривожланиши, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқариши натижасида молиянинг назарий талқинида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Капиталлар бозорининг ривожланиши ва байналминаллашуви, трансмиллий корпораияларнинг ролини ошиши, ишлаб чиқаришдаги конентраия жараёнининг кучайиши, ҳар қандай бизнеснинг ресурс таъминоти тизимида молиявий ресурслар аҳамиятининг ошишига олиб келди. Англия ва америка молия мактабларининг қарашлари асосида замонавий неоклассик молия назарияси шаклланди.

Молиянинг неоклассик назарияси 4 асосий тезисга асосланади:

-давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади;

-давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилади;

-корпоратив бизнес ривожланиш имкониятларини белгилаб берувчи уларни молиялаштириш манбалари таркибида фойда ва капиталлар бозори уцивор аҳамият касб этади;

-капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминаллашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцияон жараёнларга интилиб бориш тенденциясини шакллантиради.

Умумий кўринишда молиянинг неоклассик назариясини «молиявий триада»ни(ресурс, муносабатлар, бозорлар) ташкил қилиш ва бошқариш тизими сифатида аниқлаш мумкин. Мазку назарияни шаклланишининг асосини ташкил қилувчи ва таркибий қисми ҳисобланувчи қуйидаги назарияларни киритиш мумкин: Арбитраж баҳоларни шакллантириш назарияси(*arbitrage pricing theory*), капиталлар таркиби назарияси(*theory of capital structure*), портфел назарияси ва молиявий активларни баҳолаш модели(*portfolio theory and capital asset pricing model*), опционлар бозоридаги баҳоларни шакллантириш назарияси(*option pricing theory*), дивиденд сиёсати назарияси(*dividend policy theory*).

Шуни таъкидлаш жоизки, молиянинг неоклассик назариясининг мазмуни молиявий бозорларни амал қилиш принциплари ҳақидаги билимларни тизимлаштириш ҳисобланади. XIX асрнинг охирига келиб иқтисодиётдаги молиявий бозорларнинг аҳамиятини ортиши аца секинлик билан унинг таракқиётини назарий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж сезила бошлади. Молиявий капиталнинг шаклланиши молиявий бозорларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди.

XX аср бошларида ёш франуз математики Л. Башеле Сорбоннада ўзининг «Спекуляция назарияси» бўйича докторлик диссертациясида математик аппарат ёрдамида Франция фонд бозорларида ақиялар баҳосини ўзгариш қонунларини очиқ беришга ҳаракат қилди ва фонд бозорлардаги баҳолар ҳеч қачон аниқ фан бўла олмаслигини асослади. Капиталлар бозоридаги баҳоларни шакллантириш ва таҳлил қилишда цоҳақик моделлардан фойдаланиш ғоясини илгари сурди.

Фонд бозорлардаги баҳоларни шакллантириш назарияси соҳасидаги назарий ишланмалар Гарвард Университетининг битирувчилари Д.Уилямс ишларида намоён бўлиб, у молиявий активларни баҳолаш моделини таклиф

қилди. Бу назариянинг шаклланишида ҳал қилувчи ролни Г.Маркови давом эттириб портфел назариясига асос солди. 20 аснинг 2 ярмида капиталларнинг таркиби ва молиялаштириш манбаларининг баҳоси назарияси интенсив равишда ривожланиб борди. Мазкур назария асосан Ф. Модилиани ва М. Миллер илмий изланишларида ўз аксини топди.

60-йиллардан сўнг йирик компаниялар молиявий ресурсларини бошқариш техникаси ва услубиётини қамраб олувчи «Молиявий менежмент» фани шаклланди. Мазкур фаннинг ривожланишида Ф.Блек, Ж.Линтнер, М.Шоулз, У. Шарп, Р.Брейли, С. Майерс, Ю. Брикхем ва бошқа қатор таниқли олимларнинг роли беқиёс бўлди.

Собиқ империя даврида Ўзбекистон Республикасидаги молия соҳасидаги ишланмалар асосан давлат молиясининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган.

Мустақил Ўзбекистонда молия фанининг ривожланиши иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг концептуал асосларига мувофиқ шаклланиб бормоқда. Мустақил молия тизимини шаклланишининг назарий асослари таниқли иқтисодчи олимларимиз: М. Шарифхўжаев, С. Ғуломов, Ҳ.Собиров, Қ. Яхёев, С.Бержанов, Т. Маликов, О.Олимжонов, Д. Ғозибеков, А.Қодиров, Ж.Зайналов, Ш.Абдуллаева, А. Ваҳобов О.Номозов, Н.Ҳайдаров, Ҳ.Жамолов, О. Иминов ва бошқа қатор иқтисодчи олимларнинг меҳнати улқандир.

### **3. Молиявий сиёсат ва унинг кўринишлари**

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисиدير.

Молиявий сиёсат – бу давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, молиявий ресурсларни (манбаларни) жалб этиш, уларни тақсимлаш, ишга солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора-тадбирлар йиғиндисиدير.

Молия - иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки, унинг моддий асосини такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул айланиши ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай молиявий сиёсат амалга оширишидан қатъий назар ишлаб чиқариш манфаатлари, унинг узлуксиз давом этиш қонуниятларини бузмаслиги лозим.

Молиявий сиёсатнинг муҳим вазифаси – у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Бу сиёсат иқтисодий сиёсатга боғлиқ аммо бу молиявий муносабатлар соҳасида давлатнинг

мустақил фаолият кўрсатадиган соҳаси. Молия сиёсати мустақил хусусиятга эга бўлиш билан бир вақтда давлат сиёсатини ҳар қандай исталган ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун ҳоҳ ижтимоий, ҳоҳ иқтисодий, ёки халқаро муносабатлар доирасида муҳим воситадир.

Молиявий сиёсат қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

а) молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш.

б) истиқболда ва жорий давр мобайнида молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш.

в) қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий хатти-ҳаракатлар, чора-тадбирлар кўриш.

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характериға, мураккаблигига ва даврини узоқлигига қараб, молиявий сиёсат:

1. Молиявий стратегия.

2. Молиявий тактикаға бўлинади.

Молиявий стратегия – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узоқ истиқболға мулжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришға қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутди.

Молиявий тактика – стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.

### **Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:**

1. Молиянинг ижтимоий – иқтисодий мазмуни нималардан иборат?
2. Молия тизими вау бўйича илмий қарашлар нималардан иборат?
3. Молия тизими қандай бўғинларни ўз ичига олади?
4. Молиянинг ривожланиши неча даврга бўлинади?
5. Молиявий сиёсат ва унинг турларини айтиб беринг.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 80 б.
3. Боди З., Мертон Р. Финансы.: Пер. с англ.: Уч. Пос.- М.: «Вильямс», 2008.
4. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. -556 б.
5. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Moliya. - Т.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005. - 189 б.

## **2- мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари.**

**Режа:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси молия тизими.**
- 2. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.**

### **1.Ўзбекистон Республикаси молия тизими.**

Ўзбекистон Республикаси молия тизими қуйидги бўғинларни ўз ичига олади:

1. Умумдавлат молияси.
2. Мулкчиликнинг турли шакларида фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар молияси.

Давлат молияси - кенгайтирилган ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромадни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўз ичига олади.

Давлат молиясининг моҳияти ва унинг роли ва мақсадлари давлатларни бажарадиган функциялари, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятлари билан белгиланади.

Давлатларнинг пайдо бўлиши билан молиянинг пайдо бўлишини объектив шарт-шароитлари давлатларнинг жамият иқтисодий тизимидаги ўрни ва унга тегишли булган функцияларида намоён бўлади.

Давлатларнинг иқтисодий роли:

- жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларини ислох қилиш;
- институционал ўзгаришлар;
- иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меъёрларини таъминлашдан иборатдир.

Ана шундай давлатларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ролини амалга ошириши учун йирик миқдордаги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади ва бундай молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёни давлат молиясининг мазмунини англади.

Давлат молияси давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариши учун зарурий пул маблағлари билан таъминлашга йўналтирилган мамлакатнинг молия тизимини муҳим бўғинидир. Ўзининг

иқтисодий моҳиятига кўра давлат молияси ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида пул фондларини шакллантириш ва мазкур давлатнинг пул фондларидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича харажатларга, жамият аъзоларининг ўиб бораётган ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга, муҳофаа ва бошқариш соҳаларини молиявий таъминлаш бўйича давлат эҳтиёжларни қондиришга ишлатиш билан боғлиқ макроиқтисодий муносабатлар тизимидир. Давлат молиясининг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики унда қатнашувчи субъект сифатида давлатнинг ўзи майдонга чиқади.

**Давлат молиясининг асосий бўғинлари** қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджети;
- бюджетдан ташқари фондлар;
- давлат кредити муносабатлари;
- давлат корхоналари молияси.

Юқорида санаб ўтилган давлат молияси бўғинларининг функционал вазифалари ёрдамида давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг кенг спектрларига таъсир қилади, тармоқ ва ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Маҳаллий молия маҳаллий давлат ҳокимияти органлари молиявий ребсурслари фондини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўзида ифодалайди. Маҳаллий молиянинг муҳим бўғинини маҳаллий бюджетлар ташкил этади.

## **2.Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислоҳотлар<sup>1</sup>.**

Ижтимоий иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги иқтисодиётни ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделининг жаҳон иқтисодий ва молиявий ҳамжамияти томонидан сўзсиз тан олиншининг асосий сабаблари мустақиллик йилларида мамлакатимиз еришган ютуқларнинг замирида ётади. Мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва молия тизимини ислоҳ қилиш 3 асосий босқичда амалга оширилди.

**Биринчи босқич** мустақилликка еришганимиздан бошлаб 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олиб, миллий давлат молияси тизимининг

---

<sup>1</sup> Ушбу параграфни тайёрлашда А.В. Ваҳобов, Т.С. Маликовлар томонидан тайёрланган “Молия: умумназарий масалалар” номли ўқув қўлланмасининг 2-боби материаларидан фойдаланилди.

шаклланиш даври бўлиб ҳисобланади. Бу босқич миллий даромаднинг катта қисмининг давлат бюджетида мужассамлаштирилиб, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчи ўрни билан тавсифланади.

Бу даврда солиқ ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиёт пойдеворини шакллантиришга, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ривожлантиришга ва самарали ижтимоий ҳимоя тизимини яратишга қаратилган еди. Айниқса, ўша пайтда Россияда ўтказилаётган “шок терапияси” сиёсати сабабли ижтимоий зарур товарларнинг нархи кескин ошиб кетганлиги оқибатларининг олдини олиш тадбирлари бюджет сиёсатининг энг долзарб масалаларидан бири бўлган еди. Жумладан ун, шакар, гўшт, сут, чой, гуруч ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган товарлар учун Давлат бюджетидан катта миқдордаги дотацияларнинг ажратилиши билан истеъмол нархларининг кескин ошишининг олди олинди, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг еҳтиёжлари қондирилди ва жамиятда ижтимоий барқарорлик ва аҳиллик сақлаб қолинди.

**Иккинчи босқич** 1994-1999 йилларни ўз ичига олиб, солиқ ва бюджет тизимининг барқарорлашуви ва таркибий жиҳатдан ривожланиши, ҳамда бюджет ижросининг халқаро андозаларга ўтилганлиги билан тавсифланади. Бунда бюджет ижросининг миллий валюта-сўмда амалга оширилиши ва Солиқ кодексининг (1998) қабул қилиниши натижасида давлат молияси тизими моҳияти жиҳатдан янги мазмун ва шаклга ега бўлди.

Солиқ сиёсатининг фундаментал масалалари бўлган солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар классификацияси, солиққа тортиш услубиятининг асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар Солиқ кодексига аниқ ва равшан белгилаб берилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси халқаро экспертлар чиғириғидан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига ега бўлди.

Ўз навбатида Солиқ кодексига миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб берилди. Бу имтиёзлар қуйидаги мақсадларга қаратилди:

- ички бозорда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- қўшилган қиймат солиғидан озод етиш ва ягона ер солиқини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида ўрнини таъминлаш;
- солиқ тизими орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш;



- хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай молиявий шарт-шароит яратиш ва бошқалар.

Давлат бюджетининг харажатлари нуқтаи назардан қарасак давлат бюджетининг таркиби такомиллаштирилди, харажатларнинг ижтимоий йўналганлиги кучайди, кўплаб турдаги харажатларни дастурлар асосида молиялаштиришга ўтилди, маҳаллий бюджетларнинг роли йилдан йилга ортиб бормоқда ва бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляцион услублари амалга тадбиқ этилиб йиллар мобайнида уларнинг салмоғи ортиб борди.

**Учинчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ХИВ сессиясидаги ва иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларини еркинлаштиришга қаратилган бош стратегияси давлат молияси ривожининг учинчи босқичини бошлаб берди.

Шунга биноан, солиқ ва бюджет сиёсатининг истиқбол ёналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- иқтисодиётда давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш;
- инфляцияни босқичма-босқич камайтириш ва уни йилига 5-8% гача тушириш;
- аҳоли даромадларининг узлуксиз ошишини таъминлаш;
- аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини изчан амалга ошириш;
- соғлом ва илғор ёш авлодни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

Шуларга биноан, 2000 йилнинг ўзидаёқ, солиқ сиёсатига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, юридик шахслар учун фойда (даромад) солиқи ставкаси 33% дан 31% га, аҳоли даромадларига солиқнинг енг юкори ставкаси 45 фоиздан 40 фоизгача пасайтирилди.

Экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита Ўз маҳсулотини экспорт қилишдан оладиган даромадлари фойда солиғидан(кичик корхоналар ягона солиқ бўйича) озод қилинди ва бошқалар.

Бундан ташқари чет эл сармояларини жалб қилиш, маҳаллий хом-ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида чет ел

сармоялари иштирокидаги корхоналарга солинадиган фойда (даромад) солиғига нисбатан камайтириш коэффициенти жорий қилинди.

2000 йилда Давлат бюджети харажатларининг барқарор таркиби асосан сақлаб қолинди, ижтимоий харажатларнинг улуши янада оширилди, молиялаштириш тартиби соддалаштирилди, ҳамда бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик мавофиқлаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан 2000 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибининг бутунлай янги тартиби жорий қилинди. Унга биноан бюджет ташкилотларининг мустақиллиги кенгайтирилди, раҳбарларнинг масъулияти оширилди, бюджетдан молиялаштириш механизми соддалаштирилди, бюджет ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш бўйича зарурий эркинликлар белгиланди. Ундан ташқари бюджет харажатларини молиялаштиришда соддалаштирилган харажатлар таснифи амалга тадбиқ этилди, бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишда имтиёзлар берилди, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасини тузишга руҳсат этилди, уларнинг бюджетдан ташқари топган даромадлари икки йилгача барча турдаги солиқлардан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил август ойидаги сессиясида “Бюджет тизими ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва матбуотда умумхалқ мукокамаси учун чоп этилди. Қонун лойиҳаси бир неча йиллар давомида нуфузли хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида яратилди ва халқаро андозаларга мос келиши билан ажралиб туради. Мазкур қонун 2000 йил 14 декабрда Олий мажлиснинг навбатдаги сессиясида тасдиқланди ва бюджет тизимининг янги моделига утилди.

### **3.Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.**

Бугунги кунда ҳукм сураётган ва тобора жиддийлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳар бир мамлакат ҳукумати олдида макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган изчил иқтисодий сиёсатни юритиш вазифасини кўймоқда. Бунда самарали иқтисодий ўсишини рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат юритиш масаласи марказий ўринга эга бўлмоқда. Шу билан бир қаторда умумий иқтисодий мунозанатни таъминлашга йўналтирилган яхлит давлат сиёсати билан боғлиқ муаммолар ҳам айнан давлатнинг фискал сиёсати инструментларига боғлиқ бўлмоқда.

Ривожлаган мамлакатларда кузатилаётган молиявий иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганлигига қармасдан Республикамизда кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсиш сурътларининг таъминланишида олиб борилаётган изчил бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти ғоят юксакдир. Буни ўз навбатида кейинги йилларда кзатилаётган бюджет профицити, режалаштирилган давлат бюджети даромад кўрсаткичларининг орттириб бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзили ва мақсадли сарфланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**1-жадвал.**

**Жамланма бюджет даромадларининг асосий параметрлари**

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами марказлашган жамғармалар таркибида мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2013 йилда 69,4%ни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Бу ўз навбатида давлат фискал сиёсатида мақсадли фондларсиз давлат бюджети марказий ўринга эғалигини тасдиқлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳам аҳамият юқори бўлмоқда. Бу улар даромадларини шаклланиш кўламида яққол намоён бўлади. Хусусан, мақсадли жамғармалар даромадлари 2012 йилда 10499,8 млрд. сўмга режалаштирилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткич 13571,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни самарли ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғарманинг

даромадлари 2012 йилда 210,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу жамғарманинг даромадлари 227,5 млрд. сўмни режалаштирилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислохотларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Унинг даромадларини сўмдаги эквиваленти 2013 йилда 2618,5 млрд. сўмни ташкил этилиши кўзда тутилган.

2-жадвал.

**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тўғрисида маълумот<sup>2</sup>**

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йил жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	100
Шу жумладан:			
Бевосита солиқлар	5196,4	6853,1	27,3
Билвосита солиқлар	11187,8	13039,4	51,9
Ресурс солиқлари	2746,4	3755,5	14,9
Бошқа даромадлар	1483,5	1456,9	5,8

Агар мақсадли фондларсиз давлат бюджетининг даромадлари 2012 йилда 20614, 1 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 25104,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ тизими алоҳида аҳамият касб этади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Жами бюджет даромадларидаги салмоғи 51,9%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу ҳолат шуни тасдиқлайдики, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларнинг фискал аҳамияти юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг том маънодаги

<sup>2</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.

ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.


**3-жадвал.**

**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатлари тўғрисида  
маълумот**

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил	
	млрд.сўм	%да	млрд.сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	21571	100	26312	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	12513	58	15573	59,2
Иқтисодиётга харажатлар	2372	11,0	2791	10,6
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1059	4,9	1300	4,9
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	629	2,9	825	3,1
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	191	0,9	287	1,1
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	70	0,3	85	0,3
Бошқа харажатлар	4735	21,2	5448	20,7

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори*

Маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2012 йилда 12513 млрд. сўмга режалаштирилиб, жами бюджет харажатларида 58%ни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 15573 млрд. сўм ҳажмида режалаштирилган ва унинг жами бюджет харажатлардаги улуши 59,2%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар, биринчидан, номинал мазмунда ва шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг таркиби қуйидаги диаграммада келтирилган.



1-расм. 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркиби<sup>3</sup>

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркибида 8984,6 млрд. сўм ҳажмдаги маблағлар таълимга сарфланишга режалаштирилган бўлиб, асосий салмоқни ташкил этган. Қишлоқ жойларда индивидуал уйлар қуришни ҳамкорликда молиялаштиришга 374,7 млрд. сўм миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг турмуш фароволигини ва даромадларини изчил ошириб бориш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу соҳадаги ислохотлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, жами давлат бюджетидан 1839,9 млрд. сўм ҳажмида маблағ ажратилиши режалаштирилган.

2012 йилда ҳам бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш давом эттирилиб, иш ҳақини инфляция даражасидан юқори бўлган миқдорларда ошириш ва ушбу тадбирлар учун Давлат бюджетидан 1,3 трлн.сўм маблағ ажратилди. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини биринчи разряд миқдорида белгилаш амалга оширилди.

Иқтисодиётга қилинган харажатлар 2013 йилда 10,6%ни ташкил этиши кўзда тутилган. 2012 йилга нисбатан жамига нисбатан фоизда камайиш кузатилаётган бўлса-да, номинал мазмунда ушбу соҳага қилинган харажатлар ортиб борган. Бу ўз навбатида давлат бюджетига кучли ижтимоий сиёсатни реализация қилиш билан боғлиқ залворли юкнинг мажуд бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий

<sup>3</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.

қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда давлат молиясининг аҳамияти юқори бўлаётганлигидан далолат беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари сақлаш харажатлари жами харажатлар таркибида 2012 йилда 3,1%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 3,1%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари 2013 йилда жами бюджет харажатларининг 1,1%ини ташкил этаётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида давлат бошқаруви тизимида маҳалла институтларининг ролини ошириш, уларнинг моддий техник азасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркибий таҳлиliga асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳонда глобал масштабда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чоратадбирлар комплексини амалга оширишига йўналтирилмоқда.

Мамлакатмизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик муҳим бегиларидан бири давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда давлат бюджети тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларни ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети харажатларини манзили ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида бюджет профицит билан ижро этилмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



2-расм. 2009-2012 йилларга давлат бюджетининг ҳолати тўғрисида маълумот<sup>4</sup>

Давлат бюджети 2009 йилда ЯИМга нисбатан 0,2 %лик профицит билан ижро этилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,4%ни ташкил этган. Бунда, даромад тушумари бўйича режа кўрсаткичларини оширилиб бажарилаётганлиги ва шунингдек, бюджет ижросининг ғазначилик тизимининг самарали фаолияти натижасида бюджет маблағларини максимал даражада иқтисод қилинаётганиги муҳим ўрин эгаллайди. 2012 йилда давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича исохотлар давом эттирилди. Хусусан, 2012 йилда барча даражадаги ҳудудий ғазна ҳисоб варақлари ўрнига ягона ғазна ҳисоб варағи жорий этилди. Бу ўз навбатида давлат молияси тизимидаги барқарорликни таъминланишига таъсир этувчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

### **2.7. Солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш – солиқ сиёсатининг асосий стратегияси**

Ўтган 2012 йилда ҳам мамлакатизда солиқ сиёсатининг муҳим тактик йўналишлари иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги, миллий бойликни тежаш, миллий иқтисодиётнинг ҳолати даражаси, миллий ва умуминсоний кадриятларни авайлаш, иккиёққлама солиққа тортишнинг олдинини олишга қаратилган халқаро келишувлар, солиқ тўловчилар руҳияти, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни таъминлаш, миллий дастурларни амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилди.

<sup>4</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.



Бунинг натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб борилди, солиқ қонунчилиги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ортди, реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортёр корхоналар фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш жараёнлари кучайтирилди, банкларнинг капиталлашувини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини оширилди, солиқ маъмурчилиги янада такомиллаштирилиб, турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартирилиши, шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларини тақдим этиш таомиллари соддалаштирилди. Ушбу жараёнларнинг умумий самараси сифатида самараси сифатида бир томондан солиқ юки даражаси ўтган йилга нисбатан камайишига эришилган бўлса, бошқа томондан давлат бюджетининг профицит билан бажарилишига эришилди.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

**4-жадвал.**

**Дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда<sup>5</sup>**

<b>Давлатлар ва уюшмалар номи</b>	<b>Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда</b>	<b>Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси</b>
АҚШ	32,3	1,5 марта паст
Европа иттифоқи давлатлари	42,6	2,0 марта паст
Лотин Америкаси давлатлари	47,2	2,2 марта паст
ИХРТга аъзо давлатлар	35,9	1,7 марта паст
Жанубий Осиё давлатлари	40,2	1,9 марта паст
Шарқий Осиё давлатлари	34,5	1,6 марта паст
Марказий Осиё давлатлари	40,5	1,9 марта паст

<sup>5</sup> Манба: [www.worldtax.org](http://www.worldtax.org), [www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com), [www.taxworld.org](http://www.taxworld.org) интернет сайтлари маълумотлари.

Россия Федерацияси	34,1	1,6 марта паст
МДҲга аъзо давлатлар	25,2	1,2 марта паст
Дунё давлатлари бўйича ўртача	44,7	2,1 марта паст
Ўзбекистон	21,6	х

Ўтган 2012 йилда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча овозагарчиликларни олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор Қонунлар, Президентимиз Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши орқали солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг камайишига эришилди. Ўзбекистонда солиқ юки бундан ўн йил олдин ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6,3 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этди. 2013 йилда эса солиқ юкининг умумий даражаси яна 0,3 пунктга камайтириш, яъни 21,3%гача тушириш чоратадбирлари кўрилмоқда. Бироқ, ушбу кўрсаткични дунёнинг ривожланган ва бошқа бир қатор давлатлардаги ҳолатга эътибор берадиган бўлсак, Республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсати жуда муътадил ҳолатдалигини англаш қийин эмас.

Жадвалдан кўринадики, Республикамизда солиқ юки дунё бўйича ҳамда Европа иттифоқи давлатлари, Лотин Америкаси давлатларидаги ўртача даражадан 2,1 мартага паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, МДҲга аъзо давлатлардаги ўртача солиқ юкининг ҳам нисбатан пастлигига Республикамиздаги солиқ юки даражаси катта таъсирга эга. Чунки, Россияда бу кўрсаткич 34,1%ни, Белоруссияда 27,6%ни, Украинада 25,3%ни ташкил этади<sup>6</sup>.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданок, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-

<sup>6</sup> Манба: [www.worldtax.org](http://www.worldtax.org).

сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Масалан, аввал мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозим эди. Эндиликда эса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари барча ҳудудларда бундай корхоналарни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, имтиёздан фойдаланиш учун аввал корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни тўлиқ корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, энди 50 фоизи ушбу мақсадга, қолган қисм эса ихтиёрий тасарруф этилиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаруви корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу борада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқининг юридик ва жисмоний шахслар кесимида босқичма-босқич камайитириб бориш эвазига корхоналарнинг моддий техника базасини кучайтиришга билан бир қаторда аҳолининг реал пул даромадларининг ошиши таъминланиб борилмоқда.

**5-жадвал.**

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ставкасини ўзгариш динамикаси**

<b>Йиллар</b>	<b>Энг кам иш ҳақининг 5 барваригача миқдорда</b>	<b>Энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда</b>	<b>Энг кам иш ҳақининг 10 баравари ва ундан юқори миқдорда</b>
2009	12%	17%	22%
2010	11%	16%	22%
2011	10%	16%	22%
2012	9%	16%	22%
2013	8%	16%	22%

Жадвал маълумотларидан кўринадики, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача миқдorigа ўрнатилган солиқ ставкаси охириги тўрт йил давомида 1 пунктдан камайитириб келинмоқда, натижада эса солиқларнинг социаллашуви ошиб, кам даромадга эга бўлган аҳолини молиявий ҳолати яхшиланишига замин яратилмоқда. 2013 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғинининг энг кам ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши, ўз навбатида, жисмоний шахслар ихтиёрида қарийиб 186 млрд.сўм, шу жумладан, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан кам даромад

олувчи 2,7 млн. кишига қўшимча 120 млрд.сўм даромад қолишга имкон беради. Бироқ, дунё давлатлари аксарияти амалга оширалётган солиқ сиёсатида фискаллашув даражасининг ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

б-жадвал.

**Дунёнинг айрим давлатларида корхоналардан олинадиган фойда ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари<sup>7</sup>**

Давлатлар	Корхоналардан олинадиган фойда солиғи ставкалари, %	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари, %
АҚШ	35	35
Буюк Британия	28	50
Германия	15	45
Франция	33,3	41
Греция	20	45
Ҳиндистон	20	30
Португалия	25	30
Норвегия	28	25
Испания	30	21
Голландия	25	15
Швеция	26	30
Австрия	25	25
Дания	25	27
Япония	25,5	20
Жанубий Корея	22	20
Туркия	20	15
Белгия	34	25
Италия	27,7	43
Люксембург	21	15
Бразилия	15	25

Жадвалдан кўринадики, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ ставкасини Ўзбекистондаги даража билан солиштирадиган бўлсак, Республикамизда ўрнатилган фойда солиғи ставкаси (9 фоиз) жадвалда келтирилган 20 давлатларга нисбатан бир неча марта камлиги билан изоҳланади. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

<sup>7</sup> Манба: [www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com).

энг юқори ставкалари бўйича ҳам Республикамиздаги (энг юқори табақалаштирилган 22 фоиз) солиқ ставкаси аксарият давлатлари ўрнатилган солиқ ставкасига нисбатан анча паст. Дунёнинг ривожланган давлатидан АҚШ, Франция, Греция, Италия каби давлатлар 2013 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаси анча оширилган бир шароитда Республикамизда ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг энг куйи босқичи 1 фоизга камайтирилди.

Ўтган 2012 йилдаги тадбиркорлик субъектларини молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қўвватлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида уларнинг фаолиятига солиқ ва бошқа соҳадаги текширувларни қисқартириш ҳамда улар томонидан солиқ ва бошқа тусдаги ҳисоботларни топшириш тартиб таомилларини соддлаштирилигни эътироф этилади.

Бу борадаги муҳим тадбирлардан бири Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ ҳисоботларининг сонининг қисқатирилганлиги, уларни топшириш даврийлигини узайтирилганлиги ҳамда турли хил йиғимларнинг бекор қилинганлиги ёки камайтирилганлигидир.

Мазкур фармони билан жорий йилнинг 1 августидан лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), шу жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш йўли билан қисқартирилди. Хусусан, қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш, аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш, ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташишни амалга ошириш ва бошқа фаолият турларини лицензиялаш бекор қилинди. Шу билан бирга айрим фаолият турлари ягона лицензияланадиган фаолият турига бирлаштирилди. Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз) бекор қилинди.

Қуйидагилар бўйича имтиёзлар берилди:

- маданий бойликларни реализация қилишда қатнашиш учун рухсатнома;
- суғурталовчиларни тугатиш учун рухсатнома;
- қимматбаҳо қоғозлар савдосини ташкил этиш қоидаларини келишиш;

- тадбиркорлик субъектларининг мухр ва штампларини тайёрлаш учун рухсатнома;

- тадбиркорлик субъектининг мухр ва штампларини йўқ қилиш тўғрисидаги қвитанция;

- божхона тўловлари.

Шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситаларидан, ана шу имтиёзлар нима муносабат билан берилган бўлса, улардан фақат шу мақсадда ёки божхона органининг бошқа мақсадларда берган рухсати билан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш учун рухсатномалар бекор қилинди ва унинг оқибатида тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт сарфлашига барҳам берилган бўлса, ўз навбатида ушбу ҳужжатларни олишга сарфланадиган мабалағлари тежалладиган бўлди.

Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолияти, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда ушбу фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган деб белгиланди.

2012 йилдаги солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ, Молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди. Хизмат турлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари қуйидаги жадвалда келтирилган (2.7.4-жадвал).

Бундан ташқари “Мустаҳкам оила йили” давлат Дастури мазмунига мувофиқ қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган қирхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик қорхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

**7-жадвал.**

**2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан имтиёз ҳуқуқига эга хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар**

<b>Хизмат турлари</b>		
<b>Молия банк хизматлари</b>	<b>Маиший хизматлар</b>	<b>Бошқа хизматлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- лизинг бўйича хизматлар;</li> <li>- суғурта бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг хизматлари;</li> <li>- аудиторлик хизматлари;</li> <li>- бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича хизматлар;</li> <li>- микрокредитлаш бўйича хизматлар;</li> <li>- солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- чарм буюмлари ва пойафзал таъмирлаш хизматлари;</li> <li>- соатсозлик ва таъмирлаш хизматлари;</li> <li>- маиший электрон ва электр асбобларига техник хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ветеринария хизматлари;</li> <li>- таълим соҳасидаги, компьютерда ишлашга ўқитиш хизматлари;</li> <li>- санаториялар, болалар соғломлаштириш муассасалари, болалар спорт секциялари ва муассасалари хизматлари;</li> <li>- ногиронлар, қариялар ва болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар;</li> <li>- риэлторлик хизматлари</li> <li>- ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва электрон таълим хизматлари</li> </ul>

Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий қорхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди. Ушбу берилган солиқ имтиёзлари ўз навбатида 2013-“Обод турмуш йили” мазмунига мос келиб, ҳукуматимизнинг аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилади.



Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш вазифаларидан, шунингдек 2013 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга кўра 2013 йилдан бошлаб эса солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинадиган солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилаб берилди. Унга кўра, Солиқ кодексида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг қуйи тузилмалари учун солиқ қарзлари ЭКИҲнинг 20 бараваригача (яъни, 1591800 сўмгача), жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ЭКИҲнинг 5 бараваригача (яъни, 397950 сўмгача) бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди. Ушбу меъёрнинг киритилиши, бир томондан ҳозирда суд тартибида ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан солиқ органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиради.

## **2.8. Ўзбекистон Ресубликасида молия-банк тизимидаги ислохотлар ва уларнинг устувор йўналишлари.**

Ўтган йилда мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар аҳамиятли натижаларни қўлга киритиш имконини берди. Энг аввало, тизим барқарорлигини янада мустаҳкамлашда самарали пул-кредит сиёсати етакчи роль ўйнади.

2012 йил давомида Марказий банк томонидан пул бозорида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ва банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операцияларининг мунтазам равишда ўтказиб борилиши орқали иқтисодиётдаги инфляцион босимнинг олди олинди. Пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,9 трлн. сўмни ташкил қилди.



3-расм. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси.

Шунингдек мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.



4-расм. Марказий банкдаги мажбурий резервлар динамикаси.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига қўшимча равишда 3176 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Хусусан, 2012 йилда пул бозоридаги фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасига яқинлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидан буён 0,3 фоиз бандга ўсиб, декабрь ойида 11,0 фоизни ташкил этди.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, банк тизимида бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляция кутилмаларнинг пасайиши каби омиллар таъсирида, 2012 йил давомида жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан декабрь ойининг охирида 6,4 фоизгача, юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича ставка эса 6,8 фоиздан 6,0 фоизгача пасайди.

Шунингдек 2012 йилда валюта сиёсати миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенция операцияларини амалга ошириш орқали сўмнинг алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усули қўлланилди.

Республика банк тизимидаги ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг етарлилигини таъминлашдан иборатдир. 2012 йилда республика банк тизимида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узок муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.


Банкларнинг капиталлашув даражасини ва ликвидлигининг оширилиши натижасида пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.

Тижорат банклари олдида 2012 йил учун белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган ҳолда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу вазифалар доирасида тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартага ошириш белгиланган эди. Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Тижорат банклари томонидан 2012 йил давомида 500 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди. Муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми “Тошкент” республика фонд биржаси орқали бирламчи очик савдоларда жойлаштирилди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 17 та тижорат банкининг акциялари “Тошкент” республика фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда. Натижада 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

## 2.9. Тижорат банкларининг барқарор ресурс базасини шакллантириш ва кенгайтириш натижалари

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ҳам ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромаднинг салмоғи барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Аҳоли даромадларининг ошиши ўз навбатида уларнинг банклардаги омонатларининг салмоғининг ошишига олиб келди. 2012 йилда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги ўн йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Натижада, банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2012 йил бошига нисбатан 31,5 фоизга ортди. Жумладан, аҳолининг банклардаги омонатларининг миқдори 22,8 трлн. сўмдан ошди.




5-расм. Тижорат банкларининг жами депозитлари қолдиғи, трлн. сўм.

“Мустаҳкам оила” давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига қулайликларни кенгайтириш мақсадида янги муддатли ва жамғарма омонат турлари жорий этилди. Умуман олганда, аҳолига таклиф этилаётган ва унинг турли қатламлари учун қулай ва манфаатли бўлган омонат турларининг сони 250 тадан ошди.

Натижада республикамизнинг ҳар мингта катта ёшли аҳолисига тўғри келадиган жисмоний шахс-омонатчилар ҳисобварақлари сони 1027 тага етиб, бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан

“юқори даража”даги баҳога мувофиқ келди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.



*б-расм. Тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдигининг ўсиш динамикаси, млрд. сўм.*

Аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 8,3 трлн. сўмга етган бўлса, диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларида аҳоли омонатларининг миқдори сўнгги 5 йилда фақат ўсиш динамикасига эга бўлган.

Ҳозирги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг ресурс базасини депозитларни жалб этиш орқали мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шу мақсадда, пул массасининг мақсадли предметларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш учун 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий захира талаблари тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Мажбурий захира талаблари механизмига киритилган ўзгартиришлар аҳоли маблағларини депозитларга жалб этиш самарадорлигини янада оширди.

Шунингдек, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигация ва депозит сертификатларининг муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит сертификатлари 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 445,6 млрд. сўмни ҳамда инвесторлар ўртасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари 258,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Кейинги йилларда мамлакат ҳукумати томонидан давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам бир қатор афзалликлар берадиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Тўловнинг замонавий ва қулай воситаси сифатида пластик карточкани оммавийлаштиришга йўналтирилган фаол тушунтириш тадбирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлар пластик карта ёрдамида ҳисоб-китобларнинг барча афзалликларини англаб етдилар.

## **2.10. Банкларнинг кредит портфели сифатини ошириш ва инвестицион фаолиятини кенгайтириш**

Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди. Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискинни маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадларини ошишига олиб келди.

Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари кредит портфели умумий миқдоридаги улуши 85,8 фоизини ташкил этди. Муддати уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоиз ошди ва жами кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этди. Шу билан бирга банк кредит портфелининг тузилмаси ҳам ўзгарди. 2010-2011 йилларгача уларнинг катта қисми ташқи мажбуриятлар ҳисобига шаклланган бўлса, шу йиллардан бошлаб ички манбалардан бериладиган кредитлар ҳажми кескин ошди. Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини



қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.


Кредит портфели тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини кредитнинг риск даражаси, тармоқлар тузилиши, кредитнинг мақсади, муддати, кредит ҳажми, таъминланганлик шакли, ресурс манбаси ва мулкчилик шакллари бўйича таснифлаш мумкин:

Ўз тузилишига кўра банк кредит портфели хилма хилдир. Унда иқтисодиётнинг турли соҳалари қамраб олинган. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитлар бугунги кунда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 30,5 фоиз кўпайди ёки уларнинг миқдори 20,4 трлн. сўмга етди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди.

Тижорат банклари томонидан ўтган йили халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошди.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоизставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди.

Натижада, 2012 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратилаётган жами кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасини ҳам йил бошидаги 14,3 фоиздан декабрь ойига келиб 13,6 фоизгача пасайиши кузатилди. Жумладан, тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар улушининг ошишини рағбатлантиришга қаратилган фоиз сиёсатининг олиб борилиши натижасида узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 13,5 фоиздан 12,2 фоизга пасайди.




7-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва инвестицион кредитлар, млрд.сўм.

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, яқка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-хунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига ва ажратиладиган кредитнинг ўсишига олиб келди (7-расмга қаранг).




7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, млрд. сўм.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.



8-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, млрд. сўм.

Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 млрд. сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Мамлакатимизда экспортга етказиб бериш ҳажми ва турларини кўпайтириш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, уларга маҳсулотларини янги жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилинди.

Натижада, банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан, 480,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.



**ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

№	Тест саволлари	А жавоб	В жавоб	Г жавоб	Д жавоб
1	Молия тушунчаси илк бор қайси давлатда пайдо бўлган?	Германияда	Францияда	Италияда	Буюк Британияда
2	Молия муносабатларида нечта субъект иштирок этади?	2 субъект - 2 хўжалик юритувчи субъектлар	2 субъект - хўжалик юритувчи субъект ва давлатнинг ваколатли органи	3 субъект иштирок этади	4 хўжалик юритувчи субъект иштирок этади
3	Молиянинг юзага чиқишида асосий омил нима ҳисобланади?	Меҳнат унумдорлигининг ошиши	Йирик шаҳарларнинг юзага келиши	Марказий давлатнинг ташкил этилиши	Аҳоли сонининг ўсиши
4	Моддий бойликни микродаражада тақсимланишда қайси пул маблағларининг жамғармалари шаклланади?	Давлат бюджети	Бюджетдан ташқари жамғармалар	Сугурта жамғармалари	Хўжалик юритувчи субъектларнинг турли пул жамғармалари
5	Молиянинг функцияларини тўғрисида қўсатинг?	Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш	Тақсимлаш ва режалилик	Тақсимлаш ва иқтисодий рағбатлантириш	Тақсимлаш ва назорат
6	Молияни пайдо бўлишига таъсир етган асосий омилни танланг?	Жамиятнинг пайдо бўлиши	Давлатнинг вужудга келиши	Корхоналарнинг пайдо бўлиши	Армиянинг вужудга келиши
7	Тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлган тасниф- бу:	Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи	Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи	Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи	Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини
8	Молия бозорнинг таркибий тузилмаси нечта бўғиндан ташкил топган?	Уч бўғиндан	Тўрт бўғиндан	Беш бўғиндан	Олти бўғиндан
9	Молия сиёсатининг таркибий қисмларига нималар қиради?	Молиявий тактика ва режалаштириш	Молиявий стратегия ва тактика	Молиявий стратегия ва режалаштириш	Молиявий тактика ва прогнозлаштириш
10	Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусияти ва муддатини еътиборга олиб молиявий сиёсати қандай бўлинади?	Молиявий сиёсат стратегияси ва молиявий сиёсат тактикасига бўлинади	Молия сиёсати тизими ва молия сиёсати механизми	Давлат молияси, давлат бюджети жараёни ва пул кредит сиёсати	Молия сиёсати тизими ва молия сиёсати стратегияси
11	Молия механизмнинг таркиби нималардан иборат?	Директив тартибларга солиб турувчи механизмдан	Стратегик ва тактика механизмдан	Директив ва стратегик механизмдан	Стратегик ва тартибга солиб турувчи механизмдан
12	Молиявий бошқарувнинг субъектини кўрсатинг?	Хўжалик субъектларнинг раҳбарлари	Ҳар - хил кўринишдаги молиявий муносабатлар	Молия вазирлиги ва унинг қуйи бўғинлари	Даромадлар ва тушумларнинг шаклланиши

13	Молиявий бошқарувнинг объектини кўрсатинг?	Иқтисодий самара, фойда, даромад, миллий даромад	Молиявий муносабатлар	Иқтисодий муносабатлар	Мулкий муносабатлар
14	Молиянинг умумий бошқарув субъектларига қандай орган қиради?	Молия Вазирлиги	Давлат солиқ қумитаси	Корхона молия бўлими менежери	Олий Мажлис
15	Молиянинг оператив бошқарув органига қандай орган қиради?	Олий мажлис	Президент девони	Вазирлар маҳкамаси	Молия вазирлиги
16	Молиявий сўсатнинг таркибий қисмларни?	молиявий стратегия ва тактика	молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш	молиявий стратегия ва режалаштириш	молиявий тактика ва прогнрзлаштириш
17	Молиявий маълумотлар қандай қуйидаги ҳисоботлардан таркиб топади?	бухгалтерия, статистика ва оператив ҳисоботлар	режали, доимий ва дастлабки ҳисоботлар	кундалик, якуний ва ярим йиллик ҳисоботлар	йиллик, сўнги, доимий ҳисоботлар
18	Молиявий режалаштириш деб нимага айтилади?	молиявий режалаштириш - хўжалик режасини бир қисми ва молия механизмнинг асосий қисми бўлиб, пул маблағларини яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда фойдаланишни режали равишда бошқаришдир	бу - хўжалик режасини бир қисми бўлиб, пул фонларини бошқариш, ҳамда фойдаланишни режалиштириш	тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда фойдаланишни режали равишда бошқаришдир	пул маблағларини яратиш
19	Молиявий назоратнинг шакллари қандай бўлади?	ички назорат	умумдавлат молиявий назорат, хўжалик ичидаги молиявий назорат	мажбурий ва ўз ташаббусига кўра	ташқи назорат
20	Молиявий назорат амалга ошириш вақтига кўра қандай турларга бўлинади?	дастлабки, ички ва ташқи	дастлабки, кундалик ва якуний	доимий, якуний, вақтинча	тўлиқ, вақтинча, ташқи
21	Молиявий назоратнинг уни амалга оширувчи идораларга боғлиқ равишда қандай турлари ажралиб туради?	ўз ташаббусига кўра, дастлабки	ягона, кундалик	мажбурий ва ўз ташаббусига кўра	ташқи, мажбурий
22	Молиявий назоратнинг қуйидаги усуллари мавжуд?	текштириш, молиявий операциялар	мансабдор шахс ҳисоботи, банк операциялар	тафтиш, текштириш, молиявий режа лойиҳаларини кўриб чиқиш,	мансабдор шахс ҳисобот, ахборотларни ешитиш
23	Молиявий назоратнинг асосий усули?	ички хўжалик молия назорати	ташқи назорат	тафтиш	аудиторлик молиявий назорати
24	Аудит текшируви кўринишига биноан қандй икки шакилга бўлинади?	дастлабки ва босқичма-босқич	тафтиш ва текштириш	ички аудит ва ташқи аудит	сода ва мураккаб

25	Аудиторлик фаолияти тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган?	1996 йил 19-декабрда	1998 йил 29-декабрда	1992 йил 9-декабрда	1999 йил 18-декабрда
26	Биржа курси - бу:	қимматли қоғозларнинг биржадаги ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткич	биржадаги муайян давр давомида қилинган савдо-сотиқнинг ҳажми	фонд биржасида муомалада бўладиган қимматли қоғознинг сотув баҳоси	фонд биржасида муомалада бўладиган қимматли қоғоз
27	Бюджет ташкилотларнинг молия режасини нима деб номланади?	даромад ва харажат баланси	харажатлар сметаси	бизнес режа	режа
28	Асосий воситаларнинг янгиланиш манбасини қандай?	давлат бюджети	тижорат банкларнинг кредитлари	амортизация ажратмалари	корхона фойдаси
29	Тижорат корxonанинг молия режаси?	йиғма молия режаси	даромад ва харажат баланси	смета харажатлари	бизнес режа
30	Қандай ҳолларда молиявий муносабат вужудга келади?	томонларнинг иккиси ҳам юридик шахс бўлганда	томонларнинг бири жисмоний, иккинчиси юридик бўлганда	томонларнинг бири давлат, иккинчиси жисмоний бўлганда	томонларнинг бири қўшма, иккинчиси хусусий корхона бўлганда
31	Даромад, миллий даромадни тақсимловчи субъектларнинг ногўғриси кўрсатинг?	давлат	хўжалик субъекти	жисмоний шахслар	хайрия фондлари
32	Муассасаларни қамраб олиш даражасига кўра, сметаларнинг қуйидаги қандай турлари мавжуд?	бошқарма сметаси, якка ва намунавий сметалар	намунавий смета, идора ва марказий тадбирлар	йиғма смета, ички ва намунавий смета	якка, марказлашган тадбирлар сметаси ва йиғма сметалар
33	Молиявий бошқарув органи сифатида мамлакат Президенти қандай ҳуқуқларга ега?	молия тизими фаолиятини тартибга солиди, мамлакат бюджетини имзолайди, парламент томонидан қабул қилинган молиявий қонунларга "вето" ўқиш ҳуқуқига ега емас	молия тизими фаолиятини тартибга солиди, мамлакат бюджетини имзолайди, парламент томонидан қабул қилинган молиявий қонунларга "вето" ўқиш ҳуқуқига ега	молия тизими фаолиятини тартибга солиди, мамлакат бюджетини имзолайди, давлат бюджети праметирини ишлаб чиқади	мамлакат бюджетини тасдиқлайди, ягона давлат молия сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширади
34	Миллий даромад таркибий тузилишга кўра қандай фондларга бўлинади?	истеъмол ва жамғарма фондларига бўлинади	резерв фонди ва ишлаб чиқариш фондига бўлинади	ижтимоий ривожланиш фонди ва резерв фондларига бўлинади	ишлаб чиқариш фонди ва истеъмол фондларига бўлинади
35	Маҳаллий бюджетга егарли пул маблағлари (дотация ва субвенсия шаклида берилишининг	жамиятда моддий ва номоддий соҳаларнинг мавжудлиги	жамиятда солиқларнинг мавжудлиги	давлат бюджети тизими тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши	жамиятда маҳаллий органларнинг мавжудлиги



	<b>моҳияти нимадан иборат?</b>				
36	<b>Давлат бюджетининг тақчиллиги нима?</b>	даромадлар ва харажатлар миқдорининг тенглиги	даромадларнинг харажатлардан ортиқлиги	харажатларнинг даромадлардан ортиқлиги	муомалага кушимча пул эмиссиясининг амалга оширилиши
37	<b>Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими нечта бўғиндан иборат?</b>	ягона бўғиндан иборат	икки бўғиндан иборат	ўч бўғиндан иборат	тўрт бўғиндан иборат
38	<b>Солиқнинг тўғри ва ўз муддатда ундирилиши кимга юклатилган?</b>	Ўзбекистон республикасининг марказий банкига	Ўзбекистон республикасининг молия вазирлигига	Ўзбекистон республикасининг давлат солиқ кумитасига	Ўзбекистон республикасининг давлат мулки кумитасига
39	<b>Давлат бюджети қандай функцияларни бажаради?</b>	тақсимлаш, қайта тақсимлаш, назорат ва рағбатлантириш функциялари	қайта тақсимлаш, тартибга солиб туриш, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва назорат функцияларини	тақсимлаш, тартибга солиб туриш, назорат функцияларини	тақсимлаш ва рағбатлантириш
40	<b>Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун қачон қабул қилинган?</b>	1997 йил, апрел ойида	1999 йил, май ойида	2000 йил, декабр ойида	2001 йил, август ойида

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
2. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви.
3. Молиявий сиёсат ва унинг кўринишлари.
2. Глобаллашув жараёни ва миллий молия тизимига таъсири.
3. Замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинлари.
4. Давлат молиясининг бўғинлари ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.
5. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари молияси ва ундаги мвжуд глобал муаммолар.
6. Давлатнинг кредит тизими ва уни бошқариш муаммолари.
7. Давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммолари.
8. Банклар ва банк тизими ривожланишнинг замонавий тенденциялари.
9. Молия бозорлари ва ҳозирги глобаллашув шароитида унинг ривожланиш тенденциялари.
10. Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг шаклланиши.
11. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичида молия тизимидаги ислохотлар.
12. Ислохотларнинг кейинги босқичларида молия тизимидаги ислохотлар.
13. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.
14. Пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.
15. Миллий суғурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.
16. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг устувор йўналишлари.
17. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари.
18. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини шаклланиши.
19. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Солиқ тизимининг ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асослари.

## МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизми самарадорлигини ошириш йўллари
2. Замонавий молия тизими ва унинг трансформаллашв жараёни
3. Инқирозинг навбатдаги тўлқини шароитида ривожланга мамлакалар молия тизимидаги ислоҳотлар
4. Европа молиявий иқтисодий инқирози ва унинг
5. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш йўллари
6. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида давлат молияси тизимидаги ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари
7. Замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси молия сиёсатининг стратегик йўналишлари
8. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида давлатнинг пул-кредит сиёсати ва унинг устувор йўналишлари
9. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати ва унинг устувор йўналишлари
10. Замонавий молия тизимида уй хўжаликлари молияси
11. Ўзбекистон республикасида молия-кредит тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари
12. Худудий ижтмоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар аҳамиятин ошириш йўллари
13. Мамлакат молия тизимида уй хўжаликлари молиясининг аҳамияти ва уни ривожлантириш йўллари
14. Давлат акциядорлик компаниялари молиявий активлари ва уни самарали бошқариш йўллари
15. Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш орқали давлат бюджети даромадлар базасини кенгайтириш йўллари
16. Фонд бозорларини ривожлантириш орқали давлат ва корпоратив харидлар тизимини такомиллаштириш истиқболлари
17. Обод турмуш тарзини шакллантиришда оила бюджетининг роли ва уни ривожлантириш истиқболлари
18. Давлат молиясини бошқаришда ҳисоб-китоб статистикасини ривожлантириш истиқболлари
19. Давлат молияси бухгалтерия ҳисобини жаҳон андозаларига мослаштириш истиқболлари
20. Давлат активларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

### 2.1. Мустақил таълим учун саволлар.

1. 2012 йилги давлат инвестиция дастури ва уни молиялаштириш манбалари (марказлаштирилган инвестициялар, марказлаштирилмаган инвестициялар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси).

2. Ақциядорлик жамиятлари молиявий ҳолати ва молиявий натижалари баҳолаш тизими (рентабеллик, ликвидлилик, тўлов қобилияти)

3. Ақциз солиғи ва уни давлат бюджети даромадларидаги тутган ўрни(ақциз солиғи, ақциз солиғи ставкаси ва объекти, ақцизости товарлар).

4. Ақциядорлик жамиятлари капиталлари таркиби ва уни бошқариш(хусусий капитал, қарз капитали, низом жамғармаси).

5. Ақциядорлик жамиятлари молиявий ресурслари ва унинг шаклланиш манбалари(ўз ва унга тенглаштирилган маблағлар, молиявий бозорлар, акция, мақсадли тушумар).

6. Ақциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати(дивиденд, Гордон модели, акциянинг курс қиймати)

7. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг вазифалари, молиявий манбалари ва сарфланиш йўллари(малакали ишчи ва хизматлар билан таъминлаш, бюджет маблағлари, ишсизлик нафақалари).

8. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ижтимоий функцияси (ижтимоий сиёсат, ижтимоий қўллаб-қўвватлаш, ижтимоий вазифаларни бажариш).

9. Бюджет даромадларини шакллантириш жараёни принциплари(миллий бойлик, солиқларнинг солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимланиши, айланма фондлар).

10. Бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрни (солиқлар, билвосита солиқлар, бевосита солиқлар)?

11. Бюджет даромадларининг таркибида бевосита ва билвосита солиқларнинг тутган ўрни (Бюджет даромадлари, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, даромад(фойда) солиғи, ҚҚС, ақциз солиғи, мол-мулк солиғи).

12. Бюджет жараёни босқичлари (бюджет жараёни, бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, ижро этиш, ижросини тасдиқлаш).

13. Бюджет ижроси ва унинг хусусиятлари(молия йили, бюджет ижроси).

14. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар тузиш, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (бюджет ижроси, ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, даврий ҳисоботлар, йиллик ҳисобот).

15. Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қандай мақсадлар кун тартибига қўйилади(бюджет сўрови, бюджет жараёни)?

16. Бюджет назорати ва унинг таснифланиши (бюджет назорати, молия вазирлиги, ҳисоб палатаси, назорат-тафтиш бошқармаси, дастлабки назорат)

17. Бюджет назорати органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (бюджет назорати, молия вазирлиги, ҳисоб палатаси, назорат-тафтиш бошқармаси, солиқ органлари, бюджет ижроси назорати).

18. Бюджет сўрови ва уни тегишли молия органларига юбориш тартиблари (бюджет сўрови, бюджетдан маблағ олишга буюртмалар, бюджет лойиҳаларини тайёрлаш).

19. Бюджет тақчиллиги ва уни бошқариш (молиялаштириш манбалари, операцион тақчиллик, автоматик стабилизаторлар)?

20. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг гуруҳланиши (ички манбалар, тачки манбалар, инфляцион ва ноинфляцион манбалар, кредитлар)

21. Бюджет таснифи (даромадлар таснифи, харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи).

22. Бюджет таснифининг турлари: бюджет даромадлари таснифи, уларнинг турлари(бюджеттаснифи, даромадлар таснифи, манбаси бўйича таснифлаш, турлари бўйича таснифлаш).

23. Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш масалалари (бюджетдан ташқар маблағлар, активларни ижарага бериш, товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш, беғараз ёрдамлар).

24. Бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш(дотация, умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмалар, субвенциялар).

25. Бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шакллари (бюджет тизими бўғинлари, бюджет дотацияси, бюджет субвенцияси, бюджет ссудаси, ўзаро ҳисоб-китоблар).

26. Бюджет тизимини бошқариш субъектлари, уларнинг гуруҳланиши, асосий вазифалари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти органлари, молия вазирлиги ва унинг қуйи бўғинлари).

27. Бюджет тизимининг асосий тамойиллари (бюджет тизими тамойили, ягоналик, мустақиллик, баланслик, маъмурий-худудий тузилишига боғлиқлик).

28. Бюджет харажатлари қандай белгиларга кўра туркумлаштирилади (ижтимоий маданий тадбир харажатлари, капитал харажатлар, жорий харажатлар)?

29. Бюджет харажатлари таснифи, унинг гурухланиши (бюджет харажатлари таснифи, харажатларнинг ташкилий таснифи, харажатларнинг вазифа жихатидан таснифи, харажатларнинг иқтисодий таснифи).

30. Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши (ижтимоий соҳа харажатлари, иқтисодий харажатлар, бошқарув харажатлари).

31. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (пенсия жамғармаси, фискаль юк, банликка кўмаклашиш давлат жамғармаси).

32. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва уни бошқариш (пенсия тизими, ягона ижтимоий тўлов, пенсия амғармаси харажатлари ).

33. Бюджетдан ташқари фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (Пенсия фонди, йўл фонди, харажатлар ).

34. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида (давлат бюджети, бюджетдан ташқари фойдлар, жамланган (консолидациялашган) бюджет)

35. Бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг манбалари ва улардан фойдаланиш йуллари (бюджетдан ташқари фондлар, молиявий ресурслар, мажбурий ажратмалар, тўловлар, иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов).

36. Бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларни тақсимлаш усуллари ва воситалари (бюджет дотацияси, бюджет субвенцияси, бюджет ссудаси, умумдавлат даромадлари ва солиқларидан ажратмалар).

37. Бюджетлараро муносабатлар тизими (солиқлар, бюджет харажатлари, дотация, субвенция).

38. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш (вертикал тенлаштириш дотация, субвенция)?

39. Бюджетлараро муносабатларнинг ташкилий элементлари (меъёрий ажратмалар, дотация, субвенция).

40. Бюджетни ижро этиш қачондан бошланади (молия йили, бюджет ижроси, маҳаллий бюджет)?

41. Бюджетнинг ғазна ижроси тўғрисида тушунча, уни таъминловчи органлар, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари (ғазна ижроси, ягона ҳисоб рақами, ахборотлаштириш, ғазначилик органлари).

42. Бюджетнома, унинг таркиби, тайёрлаш ҳамда марказий ҳукумат ва Олий Мажлисга киритиш муддатлари (бюджетнома, молия вазирлиги, Вазирлар маҳкамаси).

43. Бюджет-солиқ сиёсати ва унинг босқичлари(бюджет, солиқ сиёсати).

44. Ғазначилик тизими шароитида юридик ва молиявий мажбуриятлар(юридик мажбуриятлар, молиявий мажбуриятлар, оферта).

45. Ғазначиликда молиявий мажбуриятлар ва тўловларни амалга ошириш тартиби(ғазначилик, молиявий мажбуриятлар, аванс тўловлари).

46. Ғазначиликнинг асосий вазифалари(Ғазначилик, молиявий мажбуриятлар, бюджет ижроси).

47. Давлат бандлик жамғармаси харажатлари (аҳолини иш билан таъминлаш, ягона ижтимоий тўлов, ажратма)

48. Давлат бошқаруви, суд ва прокуратура органлари харажатларини бюджетдан молиялаштириш(давлат бошқарув органлари, бошқарув штатлари ўртача сони, смета харажатлари, бюджет маблағлари).

## **2.2. Ижодий топшириқ.**

“Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда молия тизимидаги ислоҳотлар” мавзусида тақдимот тайёрлаш.

## ГЛОССАРИЙ

**Айланма касса маблағи меъёри** - молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори

**Амортизация** эскиришнинг баҳоланган хизмат муддати давомида активнинг амортизация қилинадиган қийматини мунтазам тақсимлаш ва қайта ўтказиш тарзида қиймат билан ифодаланишидир.

**Асосий воситалар** - узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан кўпроқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

**Бюджет дотацияси** - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет профицити** - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси

**Бюджет профицити** - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси

**Бюджет ссудаси** - юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юримдик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

**Бюджет субвенцияси** - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет тақчиллиги** - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

**Бюджет тақчиллиги** - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси

**Бюджетдан ташқари фондлар** – умумдавлат молиясининг муҳим буғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фодлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат ҳукуматининг юқори органларини тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадиганлар.

**Бюджетлараро муносабатлар** – Ўзбекистон республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети, шунингдек туманларнинг маҳаллий бюджетларини ўртасида бюджет жараёнида содир бўладиган муносабатлар мажмуидир.



**Давлат мақсадли жамғармалари** - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади

**Даромадлар**- бу ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активлар оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларни қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ килувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

**Инвестицион солиқ кредити** – инвесторга солиқ мажбурияти бўйича солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти.

**Корхона ва ташкилотлар молияси**- хўжалик юритувчи субъект ва давлат пул ресурслари фондини ташкил қилиш ва улардан такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва жамиятнинг итимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланишдаги пул муносабатларин йигиндисидир.

**Корхоналарга преференция бериш** – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кирадиган хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар(имтиёзлар) берилиши.

**Қўшилган қиймат солиғини қайтариш** – солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи суммаси доирасидаги пул маблағларини хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказиш йўли билан солиқ суммасини қайтариш муддатини узайтириш.

**Маҳаллий бюджет** - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Молия** – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

**Молиявий ресурслар** - бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги вақтинча бўш пул маблағлари йигиндисидир

**Молиявий назорат**- молияни бошқариш тизимининг элементи сифатида маълум соҳалар бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилган, давлат ва бошқа мустақил жамоат ташкилотлари томонидан барча иқтисодий субъектларнинг молиявий фаолияти устидан молиявий- хўжалик қонунчилигига риоя қилишлари, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги, молиявий- хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини текшириш ва кузатиш бўйича қиймат назоратининг алоҳида туридир.

**Молия сиёсати** – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндиси.

**Молия тизими** - молиявий муносабатларнинг турли сохаларини уз ичига олиб, хар кайси сохалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

**Молиявий захиралар** - давлат ва хўжалик субъектлари қўлидаги пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида вақтинчалик катнашмайдиган пул ресурсларидир.

**Нолли ставка.** Чет эл мамлакатлари амалиётидан фойдаланиб, бизда ҳам ҚҚС экспортга товар ортганда ва четдан товарлар келтиришда (курулиш материалларига) нолли ставкани 1998 йилдан қўлланилмоқда. ҚҚС бўйича нолли ставка экспортга товарлар (ишлар, хизматлар) кўрсатилганда, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотилганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортилганда қўлланилади. қизиғи шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга ҚҚС солинмас эди. Бироқ, шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетган ҳом-ашё, ёқилғи, электр қуввати учун маҳсулот етказувчиларга тўланган ҚҚС ҳисобга олинмас эди. Нолли ставкада эса маҳсулот етказувчиларга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди. Нолли ставка маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш учун жуда яхши, чунки ўз маҳсулотига ҚҚС ҳисобламайди, олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинади. Шу ерда ўз маҳсулотларини тамомила экспортга чиқарадиган корхоналар бўйича катта муаммо пайдо бўлди. Корхона ўзи ҚҚС тўламаганлиги сабабли бу солиқдан катта манфий фарқ пайдо бўлиб, уни корхонага қайтаришнинг мураккаб тартиби ўрнатилди. Бу ставка ҚҚСни ҳақиқатдан ҳам бетарафлигини кўрсатади, иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий ривожланиш мақсадида бошқа солиқлардан ҳам нолли ставкалар қўллаш амалиётини кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Номоддий активлар** - моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари.

**Прогрессив солиқ** – ставкасида эса даромад, объект кўпайиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ёнма-ён ўсиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида қўлланилади. 2010 йилда минимал иш хақи 6 баробарига тенг қисмига 11 фоиз, 6 баробаридан 10 баробарлик қисмига 17 фоиз ва 10 баробаридан ошган қисмига 22 фоиз солиқ ставкаси белгиланган. Бу ставка ҳазинавий нуқтаи назардан салмоқлидир. Аммо иқтисодий ривожланиш нуқтаи назардан унчалик яхши эмас. Бу ставка ишчиларни кўпроқ ишлаб кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга яхши қизиқтирмайди. Бу ставканинг йилдан йилга камая бориши, бу камчиликни бартараф этишга қаратилган. Ҳозирги кунда бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва бюджетга салмоқли даромад тушишини кўзда тутади.

**Пропорционал** – солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади. Масалан, ҚҚС бўйича маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) оборотига 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса ҳам, 100 минг сўм бўлса ҳам ҳаттоки миллион сўм бўлса ҳам ставка 20 фоиз тура беради, яъни улуш ўзгармайди. Бу ставкани адолатли деса бўлади.

**Регрессив** - солиқ ставкасида даромад ёки объект ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Масалан, юридик шахсларнинг фойда солиғида, мол-мулк солиғида экспортга товар ишлаб чиқариб, ЭАВда сотган юридик шахслар умумий ишлаб чиқарган муҳсулотларга нисбатан экспорт хиссасига қараб камайтирилган солиқ тўлайдилар (30 ва 50 фоизга). Бу 2002 йилдан киритилган солиқ сиёсати бўлиб иқтисодий ривожланишга катта наф келтиради.

**Республика бюджети** - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Режалаштириш** - ҳар қандай субъект режалаштириш жараёнида ўзининг молиявий ҳолатини баҳолайди ва молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятларини аниқлайди. Режалаштириш жараёнидаги бошқарув қарорлари молиявий ахборотлар таҳлили асосида қабул қилинади.

**Солиқ имтиёзи** – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

**Солиқ кредити** – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга камайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

**Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш** – солиқ суммасини бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

**Солиқ манбаи** – бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам солиқ объекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда объектлар ҳар хил, манба эса – даромад бўлади. Солиқларнинг шундай қонуни борки, улар ҳеч қачон манба миқдоридан (объектдан) ортиб келмаслиги лозим. Акс ҳолда манба йўқолади. Тарихда бунга мисоллар бор. Мустабид советлар даврида (1962й) хайвонларга пул солиғи чиққан эди. Бу солиқ объектдан катта бўлганлигидан моллар боши кескин камайиб кетди, чорвачилик ҳароб бўлди. Ҳар қандай тўғри солиқ оқибат натижада даромаддан олинади.

**Солиқ объекти** – солиқ солинадиган даромад, харажат, оборот ёки мулклар қийматидир. Унинг фойда, иш ҳақи, кўшилган қиймат, ер, иморат, жами харажат каби турлари мавжуд. Масалан, ҚҚСда объект ортилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) оборотидир, даромад солиғида – даромад (фойда), мол-мулк солиғида-мулк қиймати, ер солиғида ер майдони ва бошқалардир.

**Солиқ оғирлиги** – солиқ тўловчининг ҳамма солиқлар ва тўловларни давлат фондларига тўлашдир. Мамлакат миқёсида солиқ оғирлиги ҳамма тўланган солиқ ва

тўловларнинг ЯИМдаги салмоғи сифатида ифодаланади. Аммо солиқ оғирлиги аниқ солиқ тўловчининг олган даромадига нисбатан жами тўлаган солиқлари ва тўловлари салмоғидир. Бу масалада ҳам анчагина бахслар мавжуд. Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ оғирлиги мос келади. Лекин, эгри солиқларда ҳуқуқий тўловчилари корхоналар ҳисоблансада, охир оқибатда солиқ оғирлиги истеъмолчи аҳоли зиммасига тушади. Бу ерда эгри солиқлар ҳисобига аҳолининг реал даромади камаяди. Иқтисодчилар солиқ оғирлигини макро ва микро даражада, соҳалар бўйича аниқлаш лозимлигини кўрсатиб ўтадилар. Бу муаммони ечиш солиқларнинг энг қийин ва энг зарур масаласини ҳал қилиш демакдир.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби.

**Солиқ ставкаларининг турлари.** Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ ставкаларнинг асосан уч тури амал қилади.: пропорционал, прогрессив ва нолли ставкалар. 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича асосий ставкага қўшимча регрессив ставка (имтиёз тариқасида) қўлланила бошланди.

**Солиқ ставкаси** – объектнинг ҳар бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир, яъни давлатнинг солиқ объектидаги улуши, ҳиссасидир. Солиқ ставкаси икки усулда белгиланади: катъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка сумларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига бориб, ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмайди.

**Солиқ ставкаси** – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

**Солиқ субъекти** – солиқ муносабатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ муносабатларида солиқ тўловчилардан ташқари солиқ ундирувчи давлат ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради. Унинг номидан махсус ташкилот – солиқ хизмати идоралари қатнашади. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилган. Субъект объектсиз бўлмайди ва аксинча.

**Солиқ юки** – солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини ифодалайди.

**Солиққа тортиш бирлиги** – бу ерда объектнинг ўлчов бирлиги. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида кв. метр, сув солиғида куб. метр ва бошқалар.

**Солиқларни унификация қилиш** – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

**Суғурта** – бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабатлари мажмуасидан иборат.

**Суғурталовчи**- суғуртани амалга оширувчи ихтисослаштирилган ташкилот. Табиий офат ёки бошқа кўзда тутилмаган сабаблар натижасида кўрилган зарарларни суғурта қонунчилиги ёки суғурта шартномаси асосидаги шартларни кўзда тутиб қоплашни ўз зиммасига олувчи ташкилотлар. Бугунги кунда мамлакатимизда 20 та атрофида турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар.

**Суғурталанувчи.** Ўзига тегишли мол-мулкни суғурта қилдирган корхона, хўжалик ташкилоти ёки ўз ҳаётини суғурталовчи фуқаролар суғурталанувчи ҳисобланадилар. Мажбурий суғурта бқйича суғурта ташкилоти рқйхатидан ўтганлар ёки ихтиёрий суғурта бқйича шартнома тузиб, суғурта бадалини тқлаганлар суғурталанувчилар қаторига киради.

**Суғуртанинг объекти ва предметлари.** Мулк суғуртасида объект сифатида моддий бойликлар мол-мулк кўзда тутилса, шахсий суғуртада фуқароларни ҳаёти соғлиги ва меҳнат қобилияти кўзда тутилади. Суғурта предмети - ана шу объектларни таркибий қисмларидир, масалан, қишлоқ хўжалиги суғурта объекти бўлса, экинлар ҳосили, чорва молларининг сони, мол-мулк хиллари, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари суғурта предмети ҳисобланади. Уй-жойда сақланувчи мол-мулклар объект бўлса, уй-рўзғор буюмлари, мебеллар, гиламлар, телевизорлар бу суғуртанинг предмети ҳисобланади. Шахсий суғурта предметига маълум ёшга етиш, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва вафот этиш ҳодисалари мисол бўла олади.

**Суғурта ҳимояси.** Суғурта ҳимояси фавқулотда, кўзда тутилмаган офатлардан ҳимоя қилишни муҳим шартларидан ҳисобланади. +адим замонлардан шаҳарлар ташкил этилганда ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун деворлар қурилган ва суғурта ҳимояси ҳам бўлган. Бу моддий жиҳатдан суғурта фондидир. Суғурта ҳимояси фақат фонд эмас, балки етказилган зарарларни қоплаш билан боғланган тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларини ўзида мужассамлаштиради. Бу муносабатлар Республика, шаҳар, туман миқёсидаги объектларга етказилиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоялашни кўзда тутди.

**Суғурта манфаатдорлиги.** Суғурта масалалари билан шуғулланиш унга нисбатан манфаатдорликдан бошланади. Ишлаб чиқаришни хавф-хатардан ҳоли эмаслиги сабабли суғурталаш масалаларига қизиқиш бошланади, чунки суғурта объекти зарарланганидан суғурталанувчига зарар суммаси берилади. Бу сумма суғурта қопламаси деб аталади. Суғурталанувчи зарар кўрганда уни қоплаш учун суғурталанувчидан суғурта суммасини олишдан манфаатдор бўлади.

**Қайта суғурта қилиш.** Суғурталовчи шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бутунлай ёки қисман бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи)га ўтказиши ёки қайта суғурта қилиш.

**Суғурта гувоҳномаси (полиси).** Суғурта муносабатлари ташкил этилганлигига гувоҳлик берувчи ҳужжат. Ихтиёрий суғуртада бундай ҳужжат биринчи бадал тўлангандан кейин берилади. Суғурта гувоҳномаси (полиси)да хўжаликларнинг номлари, суғурталанган шахсинг номи, фамилияси, суғурта суммаси ёки қопламаси, суғурта тарифи, суғурта бадали ва бошқа маълумотлар кўзда тутилади.

**Узоқ муддатли кредитор қарздорлик** -банклар ёки молия институтлари берган муддатли ссудалар, шунингдек сўндирилиш муддати бир йилдан ортадиган бошқа қарздорлик мажбуриятларини ўз ичига олади.

**Фойда**- сотилган маҳсулонинг қиймати билан унга сарфланган таннарх харажатлари айирмаси ҳисобланиб қўшимча қийматнинг пул шаклидаги ифодасини ўзида намоён қилади.

**Харажатлар**- ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетишиёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

**Уй хўжаликлари** деганда қариндошлик муносабатлари билан боғланган ва оилавий истеъмол учун биргаликда хўжалик юритадиган шахслар гуруҳи тушунилади.

**Уй хўжаликлари даромадлари** — бу оила аъзолари томонидан маълум давр ичида олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал шаклидаги даромадлар йиғиндисидир.


## ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

### 1-МАВЗУ БЎЙИЧА

1-слайд



2-слайд





### МОЛИЯ ТИЗИМИ

**Ж.Ван Хорн:** Молия тизими - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси.

**З.Боди, Р. Мертон:** Молия тизими – бу молиявий шартномалар, активлар ва рисклар алмашиш жараёнида иштирок этувчи бозорлар ва бошқа институтлар мажмуасидир.

**Л.Дробозина:** «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат.

**Г.Поляк:** молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуллар ва шаклларда тақсимлаш жараёнидаги турли молиявий муносабатлар мажмуаси.

**Т.С. Маликов:** ...турли пул фондларидан шакланнадиган ва фойдаланиладиган молиявий муносабатларнинг турли соҳалари мажмуига молия тизими дейилади.








- Молия тизими маълум давр мобайнида ресурсларни бир географик ҳудуддан бошқасига ва шунингдек, тармоқлар, соҳалар ўртасида, тақсимланишини мувофиқлаштиради.
- Молия тизими рискларни бошқариш учун имконият яратиб беради.
- Молия тизими йирик масштабдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун капиталларни концентрациялашувини таъминлайди. Ёки йирик корпоратив тузилмаларнинг капиталини кўп сонли кичик мулкдорлар тақсимланишини таъминлайди.
- Молия тизими турли масштабдаги фондларни шакллантириш бўйича молиявий интизомни таъминлашга қаратилган назорат функциясини бажаради.


2-МАВЗУ БЎЙИЧА

1-слайд



2-слайд





**БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР**

**I босқич – 1991-2000 йиллар**

**Мустақил бюджет тизимини шакллантириш – “ўтиш даври”:**

- бюджет даромадлари ва харажатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;
- бюджет дефицитни камайтириш;
- кучли иқтимоий сиёсат – Давлат бюджетининг муҳим йўналиши сифатида;
- бюджетларо муносабатларни шакллантириш;
- бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;
- бюджет таснифларини ҳалқаро стандартларга мақбуллаштириш ўз ичига олди.
- Миллий солиқ тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- Солиқ тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлатириш тизимини шакллантириш;

**2-босқич. 2001 - ҳозиргача  
Иқтисодий эркинлаштириш шарт шароитларига мувофиқ  
давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини  
яратиш**

- "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунни амалга киритилиши;
- Бюджет таснифи ва бюджетдан молиялаштириш тизимини соддалаштириш;
- Давлат бюджети харажатларини манзили ва мақсадли йўналишини таъминлаш;
- Бюджет харажатларини таркибий ислоҳ қилиш;
- Худудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини барқарорлаштириш;
- Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш;
- Давлат бюджетини ижросини Ғазна тизими жорий қилиш ва уни ривожлантириш;
- Бюджет муассасаларини молиялаштиришни ислоҳ қилиш;
- Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулиятини ошириш билан уларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;
- Солиқ юкини камайтириш;
- Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- Солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- Солиқ тизимини соддалаштириш.

**ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА БЮДЖЕТ  
ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР**

- *бюджет дефицитини самарали бошқариш*
- *Ғазначилик тизимини босқичма босқич ривожлантириш;*
- *бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;*
- *ўрта мудатли фискал сиёсат амалиётини жорий қилиш;*
- *натижасга йўналтирилган бюджет моделини жорий этиш;*
- *дотацион режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;*

**Давлат бюджетининг даромадлари**

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
<b>Жами марказлашган жамғармалар</b>	<b>36071,5</b>	<b>41522,8</b>	<b>100</b>

**Давлат бюджети харажатлари, млрд. сўм**

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил	
	Млрд. сўм	%да	Млрд. сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, млрд. сўм	16991	100	21571	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	10112	59,5	12513	58
Иктисодиётга харажатлар	1952	11,5	2372	11,0
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	950	5,7	1059	4,9
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жихозлаш Фондига ажратмалар			264	1,2
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	472	2,7	629	2,9
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	152	0,9	191	0,9
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	57	0,3	70	0,3
Бошқа харажатлар	3290	19,3	4471	20,7
Давлат бюджетининг режалаштирилган тақчиллиги	-812		957	
ЯИМга нисбатан, %	-1,0%		1%	

## АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 24 июль, ПФ-4456-сонли).
3. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 18 январь.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
5. Ислом Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
7. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тарақиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007.- 48 бети.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2012. –233 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011

йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузани ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. - 500 б.

10. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. –Т.: Ношир, 2012. 712б.

11. Вахобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: Шарқ, 2005.

12. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999.

13. Акрамов Э.А. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлили. – Т.: Молия, 2001.

14. Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш. –Т.: ММП “Фахризода”, 2012.

15. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007.

16. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. - 566 б.

17. Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б.

18. В.В. Бочаров Копоративные финансы. - СПб.: Питер, 2002. - с.544.

19. Миляков Н.В. Финансы: учебник. 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – с. 431.

20. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. – Т., infoCOM.UZ МЧЖ, 2010. – 152 б.

21. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А., Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш. – Т., 2010. - 152 б.

22. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик . – Тошкент: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 500 б.